ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАВБАТДАГИ VII ПЛЕНУМИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Президиуми Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги VII пленумини шу йил май ойининг иккинчи ярмида чақиришга қарор қилди.

Пленум муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилади:

1. Республика партия ташкилотларида раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш тўғрисида.

2. КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларига мувофиқ капитал қурилишга раҳбарликни яхшилаш тадбирлари тўғрисида.

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 80 (12.433)

Пайшанба, 4 апрель 1963 йил.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА МАКТУБИ

Қадрли ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети коммунистик ҳаракат сафларининг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлар тўғрисидаги таклифларимиз Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан ижобий кутиб олинганлигини мамнуният билан қайд қилади. Биз КПСС билан Хитой Компартияси вакилларининг учрашувини ўтказишга сизларнинг рози бўлганлигингизни табриклаймиз. Бундай учрашув қардош партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қулай вазият вужудга келтириш, кейинги вақтларда халқаро коммунистик ҳаракатда вужудга келган келишмовчиликларни бартараф этишда муҳим роль ўйнаши керак. Биз ана шундай учрашув натижасида мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш учун бир қанча конструктив тадбирларни амалга оширишга эришилади, деб умид қилишни истар эдик.

Хитой Компартиясининг Марказий Комитети ўз мактубида ўртоқ Н. С. Хрушчевни у Камбоджага сафар қилган вақтида йўл-йўлакай Пекинга келишга таклиф қилади. КПСС Марказий Комитети ва ўртоқ Н. С. Хрушчев бу таклиф учун ташаккур билдирадилар. Ўртоқ Н. С. Хрушчев зўр мамнуният билан Хитой Халқ Республикасига борган бўлур, вазифаларимизни умуман тушуниб олишга эришиш ва партияларимиз ўртасидаги жипсликни мустаҳкамлаш мақсадида халқаро аҳвол ва коммунистик ҳаракатнинг етилган масалалари юзасидан фикр олишиш учун Хитой Компартиясининг раҳбарлари билан учрашган бўлур эди. Сизлар ўз мактубингизда ўртоқ Н. С. Хрушчев Камбоджага боради, дебсиз. Бироқ ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Камбоджага сафар қилиши планлаштирилган эмас. Маълумки, раҳбар органларимизнинг шу йил 12 февралдаёқ қабул қилинган қарорига биноан, Камбоджага СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев боради. Бу ҳақда Камбоджа ҳукумати хабардор қилинган ва матбуотда ҳам эълон қилингандир. Хитой Халқ Республикасига уч марта борган ўртоқ Н. С. Хрушчев сизларнинг лутфан таклифингиздан фойдаланиб, келажакда Хитойга бориш ва хитойлик ўртоқлар билан учрашишни ҳали ҳам умид қилмоқда.

Биз шу нарсани эслаб ўтамизки, ўртоқ Мао Цзэ-дун 1957 йилда Москвага келган пайтида, мен СССРда ҳаммаси бўлиб икки марта бўлдим ва фақат Москва билан Ленинградгинина кўрдим, деган эди. Ўртоқ Мао Цзэ-дун мамлакатимиз билан яхшироқ танишмоқ учун Совет Иттифоқига яна келиш ҳоҳишини билдирган эди. Ўртоқ Мао Цзэ-дун ўша вақтда мамлакатимизнинг Узоқ Шарқ чегараларидан ғарбий чегараларигача ва шимолий чегараларидан жанубий чегараларигача кезиб чиқишни истар эдим, деган эди. Биз ўртоқ Мао Цзэ-дуннинг бу ҳоҳишини табриклаган эдик.

1960 йил 12 майда КПСС Марказий Комитети ўртоқ Мао Цзэ-дунга мактуб юбориб, дам олиш ва совет халқининг турмуши билан танишиш учун СССРга келишга таклиф қилган эди. Афсуски, ўртоқ Мао Цзэ-дун ўша вақтда бизнинг таклифимиздан фойдалана олмаган эди. КПСС Марказий Комитети ўртоқ Мао Цзэ-дуннинг визитини табриклаган бўлур эди. Бундай визит учун бошланаётган баҳор ёки ёз фасли — мамлакатимизда йилнинг энг яхши фасллари, энг яхши вақт бўлган бўлур эди. Биз ўртоқ Мао Цзэ-дунни қардош партия ва қардош хитой халқининг вакили сифатида муносиб кутиб олишга ҳамма вақт ҳам тайёрмиз. Мамлакатимиз бўйлаб бу сафарда ўртоқ Мао Цзэ-дуннинг албатта бир ўзи бўлмай, у билан партиямизнинг раҳбар ўртоқлари бирга бўлишар ва турли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун яхши имконият туғилган бўлур эди. Ўртоқ Мао Цзэ-дун совет халқи қандай ишлаётганлигини, совет халқи коммунизм қурилишида, партиямиз Программасини амалга оширишда қандай муваффақиятларга эришганлигини кўрган бўлур эди.

Агар ўртоқ Мао Цзэ-дуннинг ҳозирги пайтда Москвага келиши мумкин бўлмаса, биз КПСС ва Хитой Компартияси вакилларининг Москвада юксак даражадаги учрашуви тўғрисидаги сизларнинг мулоҳазаларингизни қабул қилишга тайёрмиз. Бизнинг фикримизча, агар сизларга бу муддат мақбул бўлса, ана шундай учрашувни 1963 йилнинг тахминан 15 майида ўтказиш мумкин бўлар эди.

Бизларни шу нарса қувонтирадики, хитойлик ўртоқлар ҳам бизлар сингари Хитой Компартияси ва КПСС вакилларининг бўлажак учрашувини «барча мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг Кенгашини чақиришга тайёргарлик соҳасидаги зарур қадамлардан» бири деб қарамоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бундай учрашув тенг ҳуқуқлилик принципини бузмаган ва бошқа қардош партиялар манфаатларига путур етказмаган ҳолда Кенгашга яхшироқ тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга ёрдам бериши керак. Бундай учрашувсиз, шунингдек матбуотдаги очиқ мунозарани тўхтатмасдан, ўз партиясида бошқа қардош партияларни танқид қилишни тўхтатмасдан туриб Кенгашга тайёргарлик кўриш ва асосий мақсадга — халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш мақсадига эришиш қийинлашган бўлур эди. Худди шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитети вьетнамлик, индонезиялик, инглиз, швед ўртоқларнинг ва бошқа ўртоқларнинг барча мамлакатлар қардош партияларининг Кенгашини чақириш тўғрисида 1962 йилнинг бошларида киритган таклифларини маъқуллаб, шу билан бирга жаҳон коммунистик фронтининг иши учун қулай вазият вужудга келтирадиган тадбирларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлаган эди.

КПСС Марказий Комитети 1962 йил 22 февралдаги мактубидаёқ «Ўзимиз ҳар хил йўсинда тушуниб келаётган масалалар устидаги кераксиз баҳсларни тўхтатишга, келишмовчиликларимизни бартараф қилиш бир ёқда турсин, аксинча фақат чуқурлаштириб юбора оладиган гапларни ошкора гапира беришдан воз кечишга» даъват этган эди. Биз 1962 йил 31 майда Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборган мактубимизда бундай деб ёзган эдик: «Бизнинг партиямиз жаҳон коммунистик ҳаракатининг туб проблемаларини коллектив равишда муҳокама қилишни ҳамиша ёқлаб келганлиги ва ҳозир ҳам ёқлаётганлиги сизларга яхши маълумдир. КПСС Марказий Комитети 1957 ва 1960 йилларда кардош партияларнинг Кенгашларини ўтказиш ташаббускори бўлди. Ана шу ҳар иккала Кенгашнинг ўтказилишини халқаро вазиятдаги жиддий ўзгаришлар ҳамда коммунистик ҳаракатнинг тегишли тактикасини ишлаб чиқиш зарурати тақозо этди. Биз барча қардош партияларнинг Кенгашини чақириш ҳақидаги таклифни бу гал ҳам батамом қувватлаймиз».

Қардош партиялар ана шундай Кенгашга тайёргарлик кўриш тариқасида халқаро ҳаётдаги янги ҳодисаларни, ҳаракатимизнинг коллектив қарорларини амалга ошириш йўлидаги ўз фаолиятларини чуқур ва ҳар тарафлама анализ қилиб кўриш имкониятига эга бўлишларини биз фойдали деб ҳисобладик. КПСС Марказий Комитети Кенгаш юз берган келишмовчиликларни чуқурлаштириб юбормасин, балки бу келишмовчиликларни бартараф қилишга энг кўп даражада ёрдам берсин, деб қайғирдики, бу нарса ҳамма коммунистларга батамом тушунарли эди.

Сўнгги вақтларда кўпгина қардош партиялар раҳбар арбобларининг нутқларида Кенгашни ўтказгунга қадар бир қанча тадбирларни амалга ошириш зарур, бунинг натижасида коммунистик ҳаракатда нормал вазият вужудга келтириладиган, фикрлар кураши эса партиявий ўртоқларча мунозаранинг йўл қўйиб бўладиган доирасига солиб юбориладиган бўлсин, деб ҳаққоний тарзда худди ана шундай фикр баён қилинди. Эндиликда, мактубингиздан маълум бўлишича, сизлар ҳам бу фикрга қўшилишсиз ва навбатдаги Кенгашга ҳозирлик кўриш ишида маълум силжишга эришилди, деб ҳисоблай берса бўлади.

Ўз-ўзидан маълумки, иккала партиямиз барча қардош партияларга тааллуқли масалаларни муҳокама қилган вақтда, бу муҳокама фақат дастлабки характерга эга бўлиши мумкин. 1957 ва 1960 йиллардаги Кенгашлар шуни кўрсатдики, халқаро коммунистик ҳаракатнинг йўлини ишлаб чиқишда барча қардош партиялар коллектив иштирок қилган ва халқаро коммунистик ҳаракат ҳамма отрядларининг ҳар тарафлама орттирган тажрибаси лозим даражада ҳисобга олинган тақдирдагина, бу йўл муваффақият билан ишлаб чиқилиши мумкин.

КПСС ва Хитой Коммунистик партияси вакилларининг учрашувида муҳокама қилиниши мумкин бўлган масалалар доираси хусусидаги мулоҳазаларингиз билан диққат-эътибор бериб танишиб чиқдик. Бу — муҳим масалалар бўлиб, биз уларни муҳокама қилишга тайёрмиз.

Ўз навбатида мана шу мактубимизда биз ҳам ўз фикримизга кўра, қардош партияларнинг, умумий ишимиз учун улар олиб бораётган курашнинг диққат марказида турган баъзи бир принципиал масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Гап ана шу масалалар хусусидаги қарашларимизни тугал баён қилиб беришимиз устида бораётгани йўқ, албатта. Биз жаҳон майдонида ўз сиёсатимизни ўтказиш вақтида, қардош партиялар билан бўлган ўзаро муносабатларимизда ўзимиз амал қилаётган принципиал муҳим нарсанигина кўрсатиб ўтмоқчимиз, холос.

Биз ишонамизки, қарашларимизни ана шу зайлда баён қилиш икки томоннинг учрашувида фикрлар олишишни талаб қилувчи масалалар доирасини белгилаб олишга кўмаклашади ва мавжуд келишмовчиликларни бартараф қилишга ёрдам беради. Шундай қилаётганимизга сабаб — бутун жаҳон коммунистик ҳаракатининг ғоявий платформасини, унинг Декларация ва Баёнотда ўз ифодасини топган умумий йўлини қаттиқ туриб, изчиллик билан ҳимоя қилиш йўлидаги қатъиятимизни яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Баёнот қабул қилингандан бери ўтган давр ичида ҳаёт Баёнотнинг асосий қоидаларини шубҳа остида қолдириш бир ёқда турсин, балки аксинча, ҳозирги замон тажрибасини умумлаштириш ва марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш негизида жаҳон коммунистик ҳаракатининг биргалик да ишлаб чиқилган йўли тўғри эканлигини батамом тасдиқлади.

КПСС шу фикрга асосланадики, асосий мазмуни Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган капитализмдан социализмга ўтиш даври бўлган бизнинг давримиз — бир-бирига қарама-қарши икки ижтимоий системанинг кураш давридир, социалистик революциялар ва миллий озодлик революцияларининг давридир, империализмнинг емирилиш, мустамлакачилик системасининг тугатилиш давридир, тобора кўплаб халқларнинг социализм йўлига ўтиш, социализм ва коммунизмнинг жаҳон миқёсида тантана қилиш давридир.

Жаҳонда юз берган вазият, халқаро майдонда синфий кучларнинг жойланишида содир бўлган ва ҳаракатимиз учун янги имкониятлар очиб берган ўзгаришлар жаҳон коммунистик ҳаракатининг унинг ҳозирги босқичдаги туб вазифаларига мос бўлиб тушадиган бош йўлини ишлаб чиқишни талаб қилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европадаги бир қанча мамлакатлар социализм йўлига ўтиб олди. Хитойда ва Осиёдаги бошқа мамлакатларда социалистик революция ғалаба қилди, жаҳон социалистик системаси ташкил топди. Халқ демократияси мамлакатларида янги тузум қаддини ростлаб, ана шу мамлакатларнинг социализм йўлида иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан тез суръатлар билан ривожлана боришини таъминлай олди. Социалистик ҳамдўстлик сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан маҳкам жипслашди. Совет Иттифоқининг ва бошқа қардош мамлакатларнинг эришган муваффақиятлари туфайли жаҳондаги кучлар нисбати социализм фойдасига, империализм зарарига жиддий равишда ўзгарди. АҚШнинг атом-водород қуролига монополияси тугатилганлиги ва Совет Иттифоқи қудратли ҳарбий потенциали яратиб олганлиги бунда муҳим роль ўйнади.

Жаҳон социалистик системасининг ташкил топганлиги — халқаро ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг тарихий ғалабасидир. Бу система инсониятнинг янги жамият тўзилишдаги орзуларини амалда мужассамлаштирмоқда. Социализм мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг ўсаётганлиги, фан ва техника қўлга киритаётган жуда катта муваффақиятлар социалистик ҳамдўстликнинг шундай иқтисодий ва мудофаа қудратини вужудга келтиришга имкон бердики, унинг бу қудрати социализм ғалабаларини мустаҳкам ҳимоя қилибгина қолмай, шу билан бирга бутун ер юзидаги халқлар учун тинчлик ва хавфсизликнинг қудратли таянчи бўлиб хизмат қилмоқда.

Кучлар нисбатидаги туб ўзгариш капитализмнинг умумий кризиси янада чуқурлашиб, унинг ҳамма зиддиятлари кескинлашиб кетганлиги билан ҳам боғлангандир. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан кейин империалистик лагерь ичидаги кучларнинг жойланиши ўзгарди. Империализмнинг иқтисодий маркази кетидан унинг сиёсий ва ҳарбий марказлари ҳам Европадан Америка Қўшма Штатларига кўчди. АҚШнинг монополистик буржуазияси халқаро реакциянинг асосий таянчи бўлиб қолди. У, ўз зиммасига капитализмнинг халоскори бўлиш ролини олди. Эндиликда Америка империализми халқаро жандарм вазифасини бажармоқда. Америка империализми ҳарбий блоклар сиёсатидан фойдаланиб, бошқа капиталистик давлатларни ўз ҳукмронлигига бўйсундириб олишга ҳаракат қилмоқда. Бу эса Франция, Ғарбий Германия, Япония ва бошқа йирик капиталистик давлатларнинг Америка Қўшма Штатларига қарши ҳаракат қилишига сабаб бўлмоқда. Жаҳон урушида зарар кўрган капиталистик мамлакатлар экономикасининг тикланганлиги ва бу мамлакатлар АҚШга нисбатан тезроқ суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги Европадаги бир қанча мамлакатларнинг Америка ҳўжайинлигидан қутулиб чиқиш йўлидаги интилишини кучайтириб юбормоқда. Буларнинг ҳаммаси империалистик рақобатнинг мавжуд тугунлари ва конфликтларини чуқурлаштиришга ҳамда янги тугунлар ва конфликтларнинг пайдо бўлишига олиб бормоқда, бу эса умуман олганда капитализм системасини заифлаштирмоқда.

Империализмнинг халққа душманлик ва йиртқичлик моҳияти ўзгаргани йўқ, лекин жаҳон социалистик системаси вужудга келиши билан, жаҳон социалистик системасининг иқтисодий ва ҳарбий куч-қудрати ўсиши билан империализмнинг тарихий процессининг боришига таъсир кўрсатиш имкониятлари сезиларли равишда камаймоқда, шу билан бирга эса унинг социалистик мамлакатларга, жаҳон революцион ва миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш формалари ва методлари ўзгармоқда. Империалистлар социализм ва миллий озодлик ҳаракатининг кучлари жуда тез ўсаётганлигидан саросимага тушиб қолди, улар ўз кучларини бирлаштириб, ўз эксплуататорлик мақсадлари учун курашни давом эттириш учун жон-жаҳди билан зўр бериб ҳаракат қилмоқда ҳамда ҳамма жойда социалистик мамлакатлар ва миллий озодлик ҳаракатининг позицияларини қўпоришга, уларнинг таъсирини бўшаштиришга интилмоқда.

Шу нарса мутлақо равшан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда кишилик жамияти тарихий тараққиётининг асосий мазмунини ва асосий йўналишини энди империализм белгилаётгани йўқ, балки империализмга қарши, жамиятни социалистик асосларда қайта қуриш учун курашаётган жаҳон социалистик системаси, барча прогрессив кучлар белгиламоқда. Капитализм билан социализм ўртасидаги зиддият давримизнинг асосий зиддиятидир. Тинчлик, демократия ва социализмнинг тақдири жаҳондаги икки система кураши қандай оқибатлар билан тугашига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Айни маҳалда жаҳон майдонидаги кучларнинг нисбати социализм фойдасига мутассил ўзгариб бормоқда.

Осиё. Африка ва Латин Америкаси халқларининг ўз миллий ва социал озодлиги учун кураши ҳамда ана шу жойларда ҳозирдаёқ кўлга киритилган муваффақиятлар, капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфи, барча меҳнаткашларнинг монополияларга қарши, ҳар қандай эксплуатацияга қарши, социал тараққиёт учун кучайиб бораётган кураши — инсоният тарихий тараққиётининг тақдири учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Социалистик революциялар, империализмга қарши, мустамлакачиликка қарши миллий озодлик революциялари, халқ демократик революциялари, деҳқонларнинг кенг ҳаракатлари, халқ оммасининг фашист ва бошқа хил мустабид режимларни агдариб ташлаш учун курашн, миллий зулмга қарши умумдемократик ҳаракатлар — ана шуларнинг ҳаммаси бизнинг давримизда жаҳон миқёсида бир бутун революцион оқимга бирлашиб, капитализмни қўпормоқда ва емирмоқда.

Жаҳон коммунистик ҳаракати ўз йўлини янги шароитларга мослаштирган ҳолда ишлаб чиқар экан, шундай бир муҳим факторни ҳам гоят жиддий равишда ҳисобга олмаслиги мумкин эмас эдики, мисли кўрилмаган вайронгарчилик кучига эга бўлган термоядро қуроли вужудга келганлиги ва тўпланиб қолганлиги сабабли уруш олиб боришдаги ҳарбий техника воситалари сифат жиҳатидан тамомила ўзгарди. Хали қуролсизланиш амалга оширилмагунга қадар, социалистик ҳамдўстлик ўз қуролли кучларини империалистларга нисбатан ҳамиша устун даражада сақламоғи керак. Биз империалистларни шуни эсда тутишга мажбур қиламизки, башарти улар инсоният қайси йўлдан ривожланиб бориши керак — капитализм йўлиданми ёки социализм йўлиданми, деган масалани қурол кучи билан ҳал қилиш ниятида уруш бошлаб юборгудек бўлсалар, бу уруш сўнгги уруш бўлиб, унда империализм узил-кесил тор-мор келтирилади.

Ҳозирги замон шароитида тинчлик ва социализм учун курашаётган барча кишиларнинг бурчи — социализм ғалабаси учун қулай имкониятлардан фойдаланиш, империализмнинг жаҳон уруши бошлаб юборишига йўл қўймасликдан иборат.

Жаҳон майдонидаги синфий кучларнинг жойланиши тўғри анализ қилиб чиқилганлиги ва Москва Кенгашларида марксча-ленинча тўғри йўл ишлаб чиқилганлиги қардош партияларнинг жаҳон социалистик системасини ривожлантиришда жиддий ютуқларга эришишларига имкон берди, капиталистик мамлакатларда синфий революцион курашни ҳамда миллий озодлик ҳаракатини кенг авж олдириб юборишга ёрдам берди.

Социалистик системанинг жаҳон тараққиётининг боришига кўрсатаётган таъсири тобора ошмоқда. Эндиликда жаҳондаги бутун революцион процесс социализм мамлакатларидаги янги ҳаёт намунаси буюк кучининг бевосита таъсири остида ривожланиб бормоқда. Социализм ва коммунизм қурилишидаги муваффақиятларимиз қанчалик салмоқли ва кўп бўлаверса, коммунизм идеяларининг кенг халқ оммаси онгига ва қалбига йўл очиб бориши шунчалик муваффақиятлироқ бўлади. Шу сабабли тушунарлидирки, бутун дунёда социализм ғалабасини яқинлаштиришни истаган киши аввало, буюк социалистик ҳамдўстликни ва унинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, ўз халқларининг турмуш даражасини оширишга, фан ва техника ва маданиятни ривожлантиришга, ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга, унинг халқаро обрўйини оширишга эришиш ғамини емоғи керак. Москва Кенгашининг Баёноти халқаро ишчилар ҳаракати олдида социалистик мамлакатларнинг марксча-ленинчи партияларига ва халқлари зиммасига социализм ва коммунизмни муваффақият билан қуриш масъулиятини юклайди.

Мамлакатларимизнинг қардош партияларга ва халқлари жаҳон социалистик системасини тинмай мустаҳкамлаш билан ҳозирги замоннинг туб проблемаларини тинчлик, демократия ва социализм манфаатларини кўзлаб ҳал қилиш учун халқаро ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар, бутун озодлик ҳаракати олиб бораётган буюк кураш ишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Жаҳон майдонидаги кучларнинг ҳозирги нисбати социалистик мамлакатларга янги жаҳон урушининг олдини олиш, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашни барча тинчликсевар кучлар билан бирлашиб тарихда биринчи марта ўлароқ тамомила реал вазифа қилиб қўйиш имкониятини берди.

Баёнот қабул қилинганидан кейин ўтган йиллар бу кўрсатманинг тўғрилигини батамом тасдиқлади. Агрессив кучлар инсониятни қирғинчилик билан иборат термоядро урушининг жарига итариб юборишга муваффақ бўла олмаган экан, бу нарса социалистик мамлакатлар куч-қудрати мустаҳкамланганлигининг, улар тинчликсеварлик ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб келаётганлигининг жуда муҳим натижасидир, бу сиёсат неча юз миллионлаб кишилар ўртасида тобора кўплаб обрў қозонмоқда ва қувватланмоқда ҳамда империалистик агрессия ва уруш сиёсати устидан устун келмоқда.

Марксистлардан ҳеч бири шунга шубҳаланмайдики, бирин-кетин ўз позициясини қўлдан бериб қўяётган империализм халқлар устидан ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишга бой бериб қўйган позицияларини қайтариб олишга ҳаракат қилиб, бутун воситаларни ишга солмоқда. Ҳозир империалистлар социализм мамлакатларига ва жаҳон озодлик ҳаракатига қарши тарихда жуда катта халқаро фитна уюштирмоқда. Империалистларнинг жаҳон уруши бошлаб юборишга уриниб кўрмаслиги учун гарантия йўқ, албатта. Бу хавфни коммунистлар равшан кўриб турмоқлари керак.

Лекин агрессорнинг ҳозирги замон шароитидаги мавқе унинг иккинчи ва айниқса биринчи жаҳон уруши арафасида эгаллаган мавқеидан тамомила фарқ қилади. Илгари урушлар одатда шундай тугалланар эдики, бир хил капиталистик мамлакатлар иккинчи бир капиталистик мамлакатларни енгиб чиқар эди, лекин енгилганлар яшашда давом этиб, орадан бир оз вақт ўтгач, ўз кучларини тиклаб олар ва ҳатто, яна агрессия бошлаб юборишга қодир бўлиб қолар эди, чунончи, Германия мисоли шундан далолат беради. Термоядро уруши ҳеч бир агрессорга бундай перспектива бермайди ва империалистларнинг бу билан ҳисоблашмасликлари мумкин эмас. Жавоб зарбасидан қўрқиш, интиқомдан қўрқиш уларни жаҳон урушн бошлаб юборишдан тийиб турибди. Социалистик ҳамдўстлик шу қадар мустаҳкамланиб олдики, эндиликда империализм халқларга аввалгидек, ўз шартларини мажбуран қабул қилдириб ўз иродасини ўтказа олмай қолди. Бу эса халқаро ишчилар синфининг ва барча мамлакатлардаги халқларнинг тарихий ғалабасидир.

Империализм ўзининг йиртқичлик моҳияти эътибори билан халқаро майдондаги зиддиятларни уруш йўли билан ҳал қилиш интилишдан қутила олмайди. Лекин иккинчи томондан, унинг жаҳон термоядро урушини бошлаб юбориши, ўзини қирилиб кетиш хавфи остига солиб қўйишини ҳисобга олмаслиги ҳам мумкин эмас.

Империализм инсониятга таҳдид солаётган жаҳон уруши фатал суратда муқаррар эмас. Социализм кучларининг империализм кучларига нисбатан тобора ортаётган устунлиги шунга олиб бормоқдаки, социализм ер юзида тўла ғалаба қилгунга қадар, дунёнинг бир қисмида капитализм сақланиб қолган тақдирда ҳам, жаҳон урушини жамият ҳаётидан чиқариб ташлашдан иборат реал имконият вужудга келади.

Албатта, ана шу урушнинг олдини олиш учун социалистик системани бутун чоралар билан янада мустаҳкамлаш, халқаро ишчилар синфининг, миллий озодлик ҳаракатининг ҳамма кучларини, барча демократик кучларни жипслаштириш зарур. Социализм манфаатларини, тинчлик манфаатларини қадрлаган кишилар жаҳон реакциясининг жинояткорона режаларини пучга чиқариш, унинг термоядро урушини бошлаб юборишига ва юз миллионлаб кишиларни ўзи билан эргаштириб ғўрга тиқишига имкон бермаслик учун ҳамма чораларни кўрмоқлари керак. Термоядро урушининг бутун инсониятга, социализм ишига муқаррар суратда келтирадиган оқибатларини сергаклик билан ҳисобга олиш — янги жаҳон конфликтининг олдини олиш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни кўришимизни марксчи-ленинчилар олдига қатъий вазифа қилиб қўймоқда.

КПСС Марказий Комитети 1960 йилги Баёнотнинг қуйидаги кўрсатмасига қатъий амал қилмоқда: «Жаҳон иккита системага бўлиниб кетган шароитда, социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ҳақида В. И. Ленин илгари сурган ҳамда 1957 йилги Москва Декларацияси ва Тинчлик Манифестида, КПСС XX ва XXI съездларининг қарорларида ҳамда бошқа коммунистик ва ишчи партияларининг ҳужжатларида янада ривожлантирилган принцип халқаро муносабатларда бирдан-бир тўғри ва оқилона принципдир».

Улуғ Ленин империализмга қарши муросасизлик билан кураш олиб бориш руҳида тарбиялаган бизнинг партиямиз капитализм жон бера туриб, ҳали инсоният бошига битмас-туганмас кулфатлар сола олади, деб Ленинннинг огоҳлантириб айтган сўзларини унутмайди. Совет Иттифоқи экономикани бутун чоралар билан ривожлантириб, шу асосда ўз мудофаасини такомиллаштирмоқда, ҳарбий қудратини оширмоқда, қуролли кучларини доимо шай ҳолатда сақламоқда. Аммо мамлакатимизнинг кучайиб бораётган қудратидан ҳеч бир кимсага дағдаға қилиш учун, уруш жазавасини авж олдириш учун фойдаланганимиз йўқ ва бундан буён ҳам фойдаланмаймиз, биз мамлакатимизнинг кучайиб бораётган қудратидан тинчликни мустаҳкамлаш учун, янги жаҳон урушининг олдини олиш учун, ўз мамлакатимизни ва бошқа социализм мамлакатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиб келдик ва бундан буён ҳам шу мақсадда фойдаланамиз.

Тинч-тотув яшаш сиёсати барча халқларнинг асл манфаатларига мос бўлиб тушади, бу сиёсат социализм позицияларини мустаҳкамлашга, социалистик мамлакатларнинг халқаро таъсирини ўстиришга ёрдам беради, коммунистларнинг обрўси ва таъсирини оширади.

Тинч-тотув яшаш социалистик идеология билан буржуа идеологиясини муросага келтириш, деган маънони билдирмайди. Бундай йўлга ўтиб олиш — марксизм-ленинизмдан воз кечиш, социалистик қурилиш ишига халақит бериш бўлур эди. Буржуа идеологияси — ўзига хос Троя оти бўлиб, империализм уни коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларига юборишга ҳаракат қилади. Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши икки социал система ўртасида қаттиқ идеологик, сиёсий, иқтисодий кураш олиб боришни; меҳнаткашларнинг капиталистик система мамлакатлари ичида синфий кураш, шу жумладан, халқлар зарур деб ҳисобланган кезларда қуролли кураш олиб боришларини; мустамлака ва қарам мамлакатлардаги халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини муттасил авж олдиришни тақозо қилади.

Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон урушининг олдини олиш учун кураш жаҳон коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати кучларини сира ҳам бўғиб қўймайди, балки бунинг аксича, жуда кенг халқ оммасини коммунистлар атрофига бирлаштиради. Социал тузуми турлича бўлган давлатларнинг айни тинч-тотув яшаши вазиятида Кубада социалистик революция амалга оширилди. Жазоир халқи миллий мустақилликка эришди, қирқдан кўпроқ мамлакат ўз миллий мустақиллигини курашиб қўлга киритди. Қардош партиялар мустаҳкамланди ва улғайди, жаҳон коммунистик ҳаракатининг таъсири ортди.

Социалистик мамлакатлар тинч-тотув яшаш вазиятидан фойдаланиб, капиталзмни бирлаштирган иқтисодий мусобақада тобора янги-янги ютуқларга эришмоқдалар. Биз билан мусобақада ғалабага умид боғлашлари қийинлигини душманларимиз тушуниб турибди. Улар социализм мамлакатлари хўжалигининг тез суръатлар билан ривожланишига чидаш бера олмаётир, душманларимиз капитализм зулми остида турган халқларга социалистик мамлакатларнинг кўрсатаётган ибратли жозибадор таъсири олдида ожизлик қилмоқда.

Социалистик ҳамдўстликнинг экономикаси ўса борган сари социализмнинг афзалликлари ҳамда меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий неъматларини капиталзмдагига нисбатан кўпроқ олиш имконияти тобора яққолроқ намоён бўла беради. Социалистик мамлакатлардаги халқлар турмуш даражасининг ўсиб бораётганлиги барча капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфини ўзига тортувчи улуғ жозибадор кучдир. Социалистик ҳамдўстликнинг муваффақиятлари капиталистик мамлакатларда синфий курашни авж олдирмоқ ва ишчилар синфининг капитализм устидан ғалаба қилмоғи учун бамисоли катализатор каби революционлаштирувчи фактор бўлади.

Социализм йўлига тушиб олган халқлар турли даражада бўлган экономикани ва маданиятни ўтмишдан мерос қилиб оладилар. Лекин бундан қатъи назар, социализм қудратли ишлаб чиқарувчи кучларни кўзгатиб юборади, бунга Совет Иттифоқи, халқ демократияси мамлакатлари мисол бўлиб турибди.

Совет Иттифоқи экономикани ривожлантиришда Европада юксак ривожланган капиталистик мамлакатлардан эндиликда ўзиб кетди ва жаҳонда иккинчи ўринни олди, яқин келгусида эса жаҳонда биринчи ўринга чиқиб олади. Социализмнинг бошқа мамлакатлари ҳам катта муваффақиятларга эришдилар. Социалистик тузум шу қадар прогрессив тузумдирки, у, халқларнинг колокликни тез суръатлар билан тугатишларига, хийла ривожланган мамлакатларга етиб олишларига ва улар билан бир сафда туриб, коммунизм қуриш учун кураш олиб боришларига имкон беради.

Мана шуларнинг ҳаммаси халқларни руҳлантирмоқда, уларда социализм йўлига тушиб олишимиз ва ҳозир тарихий ривожланишнинг қандай даражасида турганлигимиздан қатъи назар, шу йўлда муваффақиятларга эришмоғимиз мумкин, деган ишонч туғдирмоқда.

Халқларнинг янги турмуш сари ҳаракат қилишини енгиллаштирадиган нарса шуки, улар социализм қуришнинг жаҳондаги тажрибасидан энг яхшиларини танлаб олиш, социалистик қурилиш тажрибасидаги ижобий жиҳатларни ҳам, шунингдек салбий жиҳатларни ҳам ҳисобга олиш имкониятига эгадирлар.

Социалистик мамлакатларнинг ишлаб чиқарувчи кучлари нақадар тез ривожлана берса, уларнинг иқтисодий потенциали нақадар юқори кўтарила берса, тинчлик ва социализмнинг тўла тантана қилиши манфаатлари йўлида социалистик ҳамкорликнинг бутун тарихий ривожланиш суръатларига ва йўналишига таъсири шу қадар кучлироқ бўла беради.

Бизнинг партиямиз шунга асосланиб иш олиб бормоқдаки, янгидан-янги мамлакатларнинг социализмга ўтиши учун ҳозирги даврда қулай халқаро ва ички шарт-шароитлар бор. Ривожланган капиталистик мамлакатларга нисбатан ҳам, шунингдек яқиндагина миллий мустақилликка эришган мамлакатларга нисбатан ҳам шундай дейиш тўғридир.

Жаҳондаги революцион процесс тобора кенг қулоч ёйиб, ҳамма қитъаларни ўз ичига олмоқда. Ривожланган капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг кураши, миллий озодлик ҳаракати бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, бир-бирига ёрдамлашмоқда. Ижтимоий ривожланишнинг боришн шунга олиб келдики, революцион кураш қайси мамлакатда рўй бермаган бўлсин, у, муштарак асосий душманга — империализмга, монополистик буржуазияга қарши қаратилган курашдир.

Бутун дунёдаги марксчи-ленинчи партиялар олдида муштарак охирги мақсад турибди, улар ишчилар ва меҳнаткаш деҳқонларнинг ҳокимиятни қўлга олишлари учун кур

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

ХИТОЙ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА МАКТУБИ

(Бошн биринчи бетда).

Ўзининг коммунистик авангарди бошчилигида революцион вазиятдан синфий душманга қақшатқич зарба бериш ва янги ижтимоий тузум ўрнатиш учун моҳирлик билан фойдаланаётган ҳар бир мамлакатнинг революцион ишчилар синфини, меҳнаткашларини КПСС табриклаб келди ва табриклай беради.

Капиталистик мамлакатлардаги компартиялар тактикаси ва сиёсатининг муштарак муҳим белгилари бор, бу белгилар капитализм умумий кризисининг ҳозирги босқичи билан ва жаҳон миқёсидаги кучларнинг ўзгаришга келган нисбати билан боғланган белгилардир. Капиталистик жамиятнинг илгари ўзгаришга келган зиддиятлари давлат-монополистик капитализмининг ривожланиши натижасида чуқурлашибгина қолмади, шу билан бирга, унинг янги зиддиятлари ҳам вужудга келди. Давлат-монополистик капитализми империализмнинг мамлакат ичидаги социал негизини тағин ҳам торайтириб юборди, энг йирик монополистлар тор группасининг қўлида ҳокимиятнинг тўпланиб қолишига олиб келди. Бу эса бунинг зиддига бирлашган антимонополистик оқимни вужудга келтирмоқда, бу оқим ишчилар синфини, деҳқонларни, майда буржуазияни, меҳнаткаш интеллигенцияни ҳамда капиталистик жамиятдаги монополияларнинг ҳукмронлигидан, эксплуатациядан қутулиш учун, социализмга ўтиш учун манфаатдор бўлган бошқа баъзи табақаларни ўз ичига олади.

Демократик ҳаракатларнинг аҳамияти — ялпи тинчлик учун, жаҳон термоядро ҳалокатининг олдини олиш учун, миллий суверенитетни сақлаб қолиш учун, фашизмнинг ҳужумига қарши демократияни ҳимоя қилиш учун, аграр ислоҳотлар ўтказилиши учун курашнинг, маданиятни ҳимоя қилиш йўлидаги гуманистик ҳаракат ва бошқа ҳаракатларнинг аҳамияти ҳозирги вақтда кескин ошиб бормоқда.

Бизнинг партиямиз бутамом ленинча позицияларда, Баёнотда: социалистик революция уруш натижасида рўёбга чиқиши шарт эмас, деб айтилган позицияларда туриби. Агар жаҳон урушлари зафарли революцияларни туғдирар экан, урушларсиз революциялар бўлиши жуда мумкин.

Агар коммунистлар социалистик революциянинг ғалабаси учун жаҳон уруши бўлиши шарт, деб иш кўра берсалар, бу нарса социализмга хайрихоҳлик туғдириш ўрнига турсин, балки оммани социализмдан четлатган бўлур эди. Даҳшатли қирғинчилик оқибатлари келтирадиган уруш олиб боришнинг ҳозирги воситалари мавжуд бўлиб турган шароитда бундай даъват душманларимизгина қўл келган бўлур эди.

Ишчилар синфи ва унинг авангарди — марксчи-ленинчи партиялар социалистик революцияни тинч йўл билан, граждан уруши қилмай амалга оширишга интилмоқдалар. Бу имкониятни амалга ошириш ишчилар синфининг ва бутун халқнинг манфаатларига, мамлакатнинг умуммиллий манфаатларига мос келган бўлур эди. Шу билан бирга, революцияни авж олдириш йўлини танлаб олиш фақат ишчилар синфигагина боғлиқ эмас. Агар эксплуататор синфлар халққа нисбатан куч қўлланадиган бўлсалар, ишчилар синфи ҳокимиятни қўлга олишнинг нотинч йўлидан фойдаланишга мажбур бўлиб қолади. Ҳамма нарса конкрет шароитларга, мамлакат ичида ва жаҳон миқёсида синфий кучларнинг қандай жойланишига боғлиқ.

Ўз-ўзидан маълумки, капитализмдан социализмга ўтиш қандай формада рўёбга чиқса ҳам, фақат социалистик революция йўли билан, турли формалардаги пролетариат диктатураси йўли билангина капитализмдан социализмга ўтиш мумкин. КПСС капитал мамлакатларидаги коммунистлар бошчилигида ишчилар синфи олиб бораётган фидокорона курашга юксак баҳо бериб, уларга хар томонлама ёрдам ва мадад кўрсатиб туришни ўзининг бурчи, деб ҳисоблайди.

Бизнинг партиямиз революцион-озодлик ҳаракатини жаҳон революцион процессининг таркибий қисми деб, империализм фронтини емирувчи кудратли куч деб билади. Собиқ мустамлакаларнинг халқлари эндиликда қадларини ростлаб, мустақил тарихий ижодкорликка кўтарилмоқдалар ҳамда ўз миллий экономикаларини ва маданиятларини юксалтириш йўлини қидирмоқдалар. Социалистик система кучларининг ўсиб бораётганлиги маълум. халқларнинг озод бўлишига, уларнинг иқтисодий мустақилликка эришишларига, миллий озодлик ҳаракатини янада ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, бу ҳаракатнинг эски ва янги мустамлакачиликнинг ҳар қандай формасига қарши курашига актив кўмаклашмоқда.

Миллий озодлик ҳаракати мустамлака режимларини тугатишни тугаллаш босқичига қадам қўйди. Хозирча мустамлакачилар асоратида турган халқларнинг ҳаммаси ўз озодликларини ва мустақилликларини қўлга киритадиган вақт яқинлашиб қолди. Озодликка чиққан халқлар сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаб олиш, иқтисодий ва маданий қолоқликни тугатиш, империализмга қарамликнинг ҳамма турларини йўқ қилиш проблемасига яқиндан дуч келмоқдалар.

Мустамлакачилик асоратини улоқтириб ташлаган мамлакатлардаги миллий тикланишнинг энг зарур вазифалари фақат империализмга ва феодализм қолдикларига қарши кескин кураш олиб бориш, миллатнинг барча ватанпарвар кучларини — ишчилар синфини, деҳқонларни, миллий буржуазияни ва демократик интеллигенцияни битта миллий фронтга бирлаштириш йўли билангина муваффақиятли равишда амалга оширилади.

Ўз миллий озодлиги учун курашаётган ва эндиликда сиёсий мустақилликни қўлга киритиб олган халқлар империализмнинг резервлари бўлмай қолдилар, ёки резерв бўлмай қолаётирлар, улар социалистик давлатларнинг ва барча прогрессив кучларнинг қўллаб-қувватлаши билан империалистик давлатларга ва коалицияларга тобора тез-тез маглубият етказмоқдалар.

Еш миллий давлатлар жаҳондаги икки ижтимоий системанинг мусобақаси шароитида ривожланмоқдалар. Бу эса, уларнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига, келгусида ўзлари борадиган йўлларни танлаб олишларига жуда кучли таъсир ўтказмоқда. Яқиндагина миллий озодликка эришган давлатлар социалистик давлатларнинг системасига ҳам, капиталистик давлатларнинг системасига ҳам кирмаётирлар, лекин уларнинг катта кўпчилиги жаҳон капиталистик хўжалиги системасида гарчи алоҳида ўрин олиб турган бўлсалар ҳам, лекин унинг орбитасидан ҳали ажралиб чиқа олганларича йўқ. Улар жаҳоннинг шундай бир қисмидирларки, бу қисмни капиталистик монополиялар ҳали ҳам эксплуатация қилиб турибди.

Сиёсий мустақиллик қўлга киритилганидан кейин, эндиликда ёш суверен давлатларнинг империализмга қарши, бутамом миллий тикланиш учун, иқтисодий мустақиллик учун кураши биринчи ўринга чиқмоқда. Кам тараққий этган мамлакатларнинг тўла мустақилликка эришиб олиши, империализмни яна жиддий равишда заифлантирган бўлур эди, чунки бундай ҳолда таловчилик асосига қурилган, тенг ҳуқуқли бўлмаган ҳозирги халқаро меҳнат тақсимотининг бутун системаси муқаррар вайрон бўлган бўлур эди, капиталистик монополиялар томонидан «жаҳоншумул қишлоқ»ни иқтисодий эксплуатация қилиш негизига путур етказилган бўлур эди. Кам тараққий этган мамлакатларда мустақил миллий экономиканинг социалистик системанинг самарали ёрдамига таяниб ривожланиши империализмга янги оғир зарба беради.

Миллатларнинг империализмга қарши курашга тайёр бўлиб турган барча кучлари мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш учун курашда бутун чоралар билан жипслаштирилиши зарур. Миллий буржуазиянинг ўнг қаноти мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ўзининг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлашга интилиб, қандайдир бир даврда реакцион сиёсий режимлар ўрнатиши, коммунистларни ва бошқа демократларни зўр бериб таъқиб қилиши мумкин. Бироқ, бундай режимларнинг умри шунинг учун ҳам қисқа бўладики, улар тараққиётга, энг зарур миллий вазифаларни ҳал қилишга — аввало, иқтисодий мустақилликни қўлга киритишга, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга тўсқинлик қила беради. Шу сабабли, империалистларнинг актив қўллаб-қувватлашларига қарамай, бу режимларни халқ оммасининг кураши улоқтириб ташлайди.

Мустамлакачилик асоратини улоқтириб ташлаган халқлар билан ва ярим мустамлакаларнинг халқлари билан қардошлик иттифоқини КПСС ўз халқаро сиёсатининг энг муҳим негизларидан бири, деб ҳисоблайди. Миллий мустақилликни қўлга киритиш ва мустаҳкамлаш йўлидан бораётган халқларга, мустамлакачилик системасини батамом емириб ташлаш учун курашаётган барча халқларга ёрдамлашишни бизнинг партиямиз ўзининг интернационал бурчи, деб ҳисоблайди. Халқларнинг ўз озодлиги учун олиб бораётган муқаддас урушларини Совет Иттифоқи қувватлаб келди ва қувватламоқда, миллий озодлик ҳаракатига бутун чоралар билан маънавий, иқтисодий, ҳарбий ва сиёсий мадад бермоқда.

Жазоир халқи француз мустамлакачиларига қарши кураш олиб борган вақтда, совет халқи унга катта мадад бериб турди. Яман халқи ўз мамлакатидаги қўлликка қарши кўтарилганида, биз унга биринчи бўлиб ёрдам қўлини узатдик. Индонезия халқининг Ғарбий Ирианни озод қилиш учун АҚШ империалистларига таянган Голландия империалистларига қарши кураш олиб борганида, биз Индонезия халқига ҳар томонлама ёрдам бериб турдик. Индонезия халқининг Шимолий Калимантанни озод қилиш учун олиб бораётган курашини табрикламоқдамиз.

Эски ва янги мустамлакачилар Шарқи-Жанубий Осиё халқларининг озодлик ҳаракатига қарши ҳийла-найранглар ва фитналар тўзғонини қурмоқдалар. Ўзининг миллий озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётганларга ҳамиша хайрихоҳлиз ва уларни ҳамиша қувватлаймиз. Биз шу нарсага жуда аминмизки, Америка империалистларининг ва малайларининг ҳар қанча қаршилик қилишига қарамай, Жанубий Вьетнам ва Жанубий Корея халқлари курашда галаба қозонадилар ва ўз ватанларининг ерларини қайта бирлаштиришга эришадилар.

Бизнинг партиямиз революцияни экспорт қилишга қарши чиқиш билан бирга, контрреволюцияни экспорт қилиш йўлига гов солиш учун ҳамма чораларни кўрди ва кўрмоқда. Биз шу нарсага жуда аминмизки, ҳозирги замондаги уч буюк революцион куч курашининг — социализм ва коммунизм қураётган халқлар, халқаро революцион ишчилар ҳаракати, миллий озодлик ҳаракати курашининг бир-бирига боғлиқлиги ва бирлиги халқларнинг империализмга қарши курашининг негизидир. халқлар галабасининг гаровидир.

Жаҳондаги ривожланишнинг кейинги йиллардаги бутун бориши коммунистик ҳаракат йўлининг тўғрилигини бутамом тасдиқлади, бу йўл амалда ажойиб натижалар келтирди. Империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик ва социализм учун курашаётган кучлар шу йўлни амалга ошираётганликлари туфайли янги муваффақиятларни қўлга киритдилар. КПСС бу йўлни изчиллик билан ва оғишмай амалга оширишни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Биз шу нарсага жуда аминмизки, бу йўлни қайта кўриб чиқиш учун ҳеч қандай асос йўқ.

Шу билан бир қаторда, КПСС Марказий Комитети жаҳон коммунистик ҳаракатининг Декларацияда ва Баёнотда қайд қилинган йўлини турмуш кейинги йилларда бойитиб киритган янгиликлар хусусида коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг Кенгашига тайёргарлик вақтида, шунингдек шу Кенгашнинг ўзида фикрлашиб олиш фойдали бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Сиз, азиз ўртоқлар, коммунистик ҳаракат сафларининг бирлигини ва социалистик мамлакатларнинг жипслигини мустаҳкамлаш барча муваффақиятларимизнинг гарови, деб ўз хатингизда тўғри айтиб ўтгансиз. КПСС марксчи-ленинчи партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принципларини қай тарзда тушунганлигини кейинги вақтларда ўзининг съездларида ва халқаро коммунистик учрашувларда неча марталаб баён қилиб берди. Биз бутун дунё олдида таъкидлаб айтдикки, социалистик ҳамдўстликда бўлгани каби коммунистик ҳаракатда ҳам барча коммунистик ва ишчи партиялар. барча социалистик мамлакатлар тўла равишда тенг ҳуқуқли бўлиб келдилар ва ҳозир ҳам тўла равишда тенг ҳуқуқлидирлар. Коммунистик ҳаракатда «юқори турган» ва «бўйсунган» партиялар йўқ. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бирор партиянинг бошчилик қилиши ёки қандайдир гегемонияниинг пайдо бўлиши халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати учун ҳеч қандай фойда бермайди, балки зарар келтиради. Барча коммунистик партиялар мустақил ва тенг ҳуқуқлидирлар, уларнинг ҳаммаси коммунистик ҳаракатнинг тақдири учун, бу ҳаракатнинг галабалари ва муваффақиятсизликлари учун масъулиятни ўз зиммаларига олганлар, уларнинг ҳаммаси ўз муносабатларини пролетар интернационализми ва ўзаро ёрдамлашиш асосига қуришлари лозим.

Биз яна шунга асосланиб иш олиб бормоқдамизки, пролетар интернационализми катта ва кичик ҳамма партиялар олдига баб-баравар талаблар қўяди, лекин ҳеч кимни мустасно ҳам қилмайди. Барча қардош партиялар ўз фаолиятларининг марксизм-ленинизм принципларига асосланган, социалистик мамлакатларнинг, бутун жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлигини мустаҳкамлаш манфаатларига жавоб берадиган фаолият бўлиши тўғрисида баб-баравар ғамхўрлик қилишлари лозим.

Жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги ва ривожланиб бораётганлиги марксчи-ленинчи партиялар ўртасида тўғри ўзаро муносабатлар масаласини алоҳида аҳамиятга эга қилиб қўймоқда. Социализм мамлакатларидаги коммунистик ва ишчи партиялар ҳокимият тепасида турган партиялардир. Улар давлатларнинг тақдири учун, ўз халқларининг тақдири учун жавобгардирлар. Бундай шароитда партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг марксча-ленинча принципларининг бузилиши фақат партиянинг манфаатларигагина эмас, шу билан бирга, кенг халқ оммасининг манфаатларига ҳам даҳл қилиши мумкин.

КПСС ишимизнинг олий мақсадларига амал қилиб, Сталин шахсига сиғиниш оқибатларини тугатди ва қардош партиялар ўртасидаги муносабатларда тенг ҳуқуқлиликнинг, социалистик мамлакатлар суверенитетини ҳурматлашнинг ленинча принципларини тўла равишда тикламоқ учун ҳамма чораларни кўрди. Бу эса бутун социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлашда жуда катта ижобий роль ўйнади. Ҳар бир давлатнинг тенг ҳуқуқлилиги, суверенитетини ҳурматлаш, ўзаро ёрдамлашиш ва ўртоқларча ҳамкорлик, ҳар бир мамлакатнинг ўз интернационал бурчини ихтиёрий равишда бажариши асосида дўстлигимизнинг мустаҳкамланиб бориши учун қулай вазият вужудга келтирилди. Шу билан бирга, биз шуни уқтириб ўтишни истар эдикки, социалистик тенг ҳуқуқлилик муштарак йўлни коллектив бўлиб ишлаб чиқишда тенг ҳуқуқли бўлиб қатнашишдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга. социалистик мамлакатлардаги қардош партияларнинг бутун ҳамдўстликнинг тақдири учун тенг равишда жавобгар бўлишдан ҳам иборатдир.

Қардош партиялар Москва Кенгашининг Баёнотида капитализмдан ажралиб чиқаётган мамлакатларнинг мустаҳкам иттифоқини вужудга келтириш, уларнинг социализм ва коммунизм қуришдаги куч ва ғайратларини бирлаштириш зарурлиги тўғрисидаги қоида уқтириб ўтилган эди. Умуман бутун социалистик системанинг манфаатлари билан миллий манфаатлар бир-бирига уйғун равишда қўшиб олиб борилади. Турмуш шуни яққол кўрсатиб турибдики, ҳар бир мамлакат бошқа социалистик мамлакатлар билан чинакам бирлик ва ўзаро ёрдамлашиш асосида жуда яқиндан ҳамкорлик қилганидагина, ўзининг миллий вазифаларини жуда яхши ҳал қилиши мумкин.

Бизнинг бирлигимиз, бизнинг бирдамлик билан қилаётган ҳаракатларимиз ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Буни объектив зарурат талаб қилмоқда, булар марксчи-ленинчи партиялар онгли фаолиятининг, муайян мақсадга қаратилган интернационалистик сиёсатининг, сафларимизни жипслаштириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганликларининг натижасидир.

Биз шу нарсадан кўз юмаётганимиз йўққи, социалистик мамлакатларнинг ўзаро муносабатларида ички қурилишнинг ва халқаро коммунистик ҳаракатнинг у ёки бу ҳил масалаларини турлича тушуниш. ҳамкорлигимизнинг формаларини ва методларини турлича тушуниш пайдо бўлиб қолиши мумкин. Шундай бўлиши мумкин, чунки жаҳон социализм системасининг мамлакатлари янги жамият қуришнинг турлича босқичларида турибдилар, уларнинг ташқи дунё билан муносабатларини ривожлантиришдаги тажрибалари ҳамма жиҳатдан ҳам бир хилда, деб бўлмайди. Шу нарсани ҳам мустасно қилиб бўлмайдики. у ёки бу қардош партияларда марксизм-ленинизмнинг айрим проблемаларини ҳал қилишга турлича ёндошиш ҳам келишмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Миллий, специфик хусусиятларнинг ролини ҳаддан ташқари ошириб юбориш марксизм-ленинизмдан четга чикишга олиб келиши мумкин. Миллий хусусиятларни назардэътиборга олмаслик турмушдан, оммадан ажралиб қолишга олиб келиши, социализм ишига зарар етказиши мумкин.

Мана шуларнинг ҳаммаси пайдо бўладиган келишмовчиликларни принципиал позицияда туриб, умумий ишимизга энг кам зарар етказадиган қилиб ҳал этишимизга имкон берадиган воситалар ва методларни ишлаб чиқиш тўғрисида ҳамиша ғамхўрлик қилишга бизни мажбур этади.

Биз, коммунистлар, бир-биримиз билан бахслашувимиз мумкин. Лекин ўз мамлакатларимизнинг халқларини социалистик ҳамдўстликнинг ҳамма халқлари билан маҳкам бирдамлик руҳида тарбиялаш ҳамма шароитда ҳам бизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолади. Коммунистлар халқларни фақат ўз мамлакатларигагина эмас, шу билан бирга, бутун социалистик ҳамдўстликка, ҳамма халқларга меҳр-муҳаббатли қилиб тарбиялашга ҳар бир социалистик мамлакатда яшаб турган ҳар бир кишини бутун дунё меҳнаткашларига нисбатан ўзининг қардошлик бурчини тушунадиган қилиб тарбиялашга мажбурдирлар. Шундай қилмаслик коммунистларнинг зиммасидаги биринчи бурчни бажармаслик бўлади, социализм қураётган марксчи-ленинчи партияларни ва халқларни жипслаштириш, бирлигимизни кўз қорачўғидек сақлаш коммунистлар зиммасидаги биринчи бурчдир.

Бизнинг партиямиз жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини марксизм-ленинизм принципларида мустаҳкамлаш манфаатларига амал қилиб. ўнг оппортунизмга ҳам, шунингдек хатарли бўлиш жиҳатидан ҳозирги вақтда ревизионизмдан қолишмаётган сўл оппортунизмга ҳам қарши бундан буён ҳам қатъий кураша беради. Биз коммунистик ҳаракат назарияси ва тактикасининг принципиал, туб масалаларида муросасиз бўлганимиз ҳолда, ревизионизмга ва сектантчиликка қарши курашганимиз ҳолда, бизнинг жипслашувимизга халақит бераётган барча тўсиқларни йўлдан олиб ташламоқ учун турли равишда тушунилаётган масалаларни сабр ва чидам билан ўртоқларча муҳокама қилиб аниқлашга куч ва ғайратимизни аямаймиз. Бунда биз шуни назарда тутиб иш кўраётирмизки, коммунистик ҳаракатнинг халқаро кенгашлари ҳам, шунингдек қардош партиялар ҳам марксизм-ленинизмнинг принципиал масалаларига доир у ёки бу хил хатоларни танқид қилишда бундай хатоларнинг хатарли эканлигини кўрсатиб бериши, шу хатоларни абадий сақлаб қолиш эмас, балки уларни тузатишга ёрдамлашишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўймоқдалар. Биз революцион кучларни бир-биридан ажратишга эмас, аксинча, тимизнинг у ёки бу отрядларини четлаштиришга эмас, балки уларни бутун чоралар билан жипслаштиришга кўмаклашишга интилмоқдамиз. Ўз-ўзидан равшанки, коммунистлар марксизм-ленинизм назариясининг принципиал масалаларида ён беришга йўл қўйишлари мумкин эмас.

Интернационалистик партия бўлган КПСС жаҳоннинг ҳамма мамлакатларидаги марксчи-ленинчи партияларнинг кураш тажрибасини диққат билан ўрганмоқда. Франция, Италия, АҚШ, Англия ва бошқа капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг ҳамда шу синфнинг революцион авангарди — коммунистик партияларнинг курашига; Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларида империалистик монополияларнинг мустамлакачиликнинг ва янги мустамлакачиликнинг ҳужумларига қарши, миллий ва социал озодлик учун қаҳрамонона кураш олиб бораётган коммунистик партияларнинг курашига юксак баҳо бермоқдамиз.

Коммунистик партиялар миллатларнинг нуфузли кучлари сифатида, ўз халқларининг бахт-саодати учун курашувчиларнинг илғор отрядлари сифатида ўсиб вояга етдилар. Реакция коммунистларнинг иродасини синдиришга уриниб, уларга бирин-кетин зарба бераётганлиги тасодифий эмас. Коммунистик ҳаракатга қарши олиб бораётган ўзининг курашида реакция «Москванинг қўли» тўғрисидаги, яъни коммунистик партиялар миллий куч эмас, балки бошқа мамлакатнинг сиёсатини ўтказаётган, шу мамлакатнинг қуроли бўлиб хизмат қилаётган куч деган сийқаси чиққан ёлғондан фойдаланмоқда. Халқ оммасида коммунистик партияларга ишончсизлик туғдириш, коммунистларга қарши ўтказилаётган полиция репрессияларини оқлашга баҳона топиш учун империалистлар коммунистик партияларнинг ўсиб бораётган таъсирига қарши курашиш мақсадида ёвуз ният билан шундай қилмоқдалар.

Лекин соф виждонли кишиларнинг ҳаммаси шуни биладики, фақат коммунистик партияларгина миллий манфаатларнинг чинакам ифодачилари ва ҳимоячилари, содиқ ватанпарварлардир, улар халқнинг бахт-саодати учун курашда ватанга муҳаббатни пролетар интернационализми билан бирга қўшмоқдалар. КПСС капитал мамлакатларидаги ўз қардошларининг қаҳрамонона курашини бутун чоралар билан қувватлашни, улар билан интернационал бирдамликни мустаҳкамлашни ўзининг бурчи деб ҳисоблайди.

Ҳозирги замоннинг энг муҳим принципиал масалаларига, халқаро коммунистик ҳаракатнинг стратегияси ва тактикасининг энг муҳим принципиал масалаларига доир бизнинг баъзи мулоҳазаларимиз, умуман олганда, шулардан иборат бўлиб, биз бу хатда шуларни айтиб ўтишни зарур топдик.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг қардош партиялар Декларацияси ва Баёнотида ўз ифодасини топган ҳозирги йўли бирдан-бир тўғри йўл эканлигига қатъий амин бўлганимиз ҳолда, КПСС ва Хитой Коммунистик партияси вакилларининг бўладиган учрашувида қуйидаги энг актуал проблемаларни муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблар эдик:

а) жаҳон социалистик системасининг қудратини янада мустаҳкамлаш ва уни инсоният жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айлантириш учун кураш масалалари, бу эса замонамизнинг фарқини кўрсатувчи асосий белгидир. Капитализм билан бўлаётган тинч иқтисодий мусобақада социалистик мамлакатларнинг ютиб чиқишини қандай қилиб тез ва яхшироқ таъминлашни бирғаликда муҳокама қила олган бўлур эдик;

б) тинчлик ва тинч-тотув яшаш учун кураш масалалари. Янги жаҳон термоядро урушининг олдини олиш йўлидаги кураш учун барча тинчликсевар кучларнинг ғайрат ва ҳаракатини бирлаштириш зарурлиги. Тинчлик тарафдорларининг жуда кенг бирлик фронтини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш. Империализмнинг реакцион моҳиятини фош қилиш, империалистларнинг янги жаҳон уруши тайёрлаётганига қарши курашга, империалистларнинг агрессив ниятларини барбод қилишга, реакция ва уруш кучларини яккалаб қўйишга кенг халқ оммасини сафарбар қилиш ва омманинг ҳушёрлигини ошириш. Турли социал тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши тўғрисидаги ленинча принципини халқаро муносабатларда барқарор қилиш. Еттинчи ва бутамом қуролсизланиш учун, иккинчи жаҳон урушининг қолдиқларини тугатиш учун кураш;

в) АҚШ бошчилигидаги империализмга қарши кураш масалалари. Капитализм позициялари заифлашаётганлигидан, жаҳон хўжалигидаги бутун капиталистик системанинг беқарорлиги ошиб бораётганлигидан, капитализмнинг зиддиятлари ва, аввало, меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятлар, буржуа идеологияси ва сиёсатининг чуқур кризиси кескинлашиб бораётганлигидан ишимизнинг манфаатлари йўлида фойдаланиш. Капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг монополияларга қарши, ўзларининг социал озодликлари учун, одам-одамни эксплуатация қилишни бартараф қилиш учун, халқларнинг демократик ҳуқуқларини ва эркинликларини кенгайтириш учун олиб бораётган синфий ва революцион курашини қўллаб-қувватлаш;

г) миллий озодлик ҳаракати масалалари. Халқларнинг миллий озодлик курашини қўллаб-қувватлаш ва бутун чоралар билан ривожлантириш. Ҳамма формалардаги мустамлакачиликни ва янги мустамлакачиликни батамом ва узилкесил тугатиш учун кураш. Мустамлакачиликка қарши курашаётган халқларга, шунингдек ўз миллий озодлигига эришган мамлакатларга мадад бериш. Шу мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш;

д) социалистик ҳамдўстликнинг, коммунистик ҳаракат сафларининг бирлигини ва жипслигини мустаҳкамлаш масалалари. Замонамизнинг, айниқса империалистик реакция коммунизмга қарши кураш учун бирлашаётган шароитда замонамизнинг энг нуфузли сиёсий кучи бўлган халқаро коммунистик ҳаракатни бутун чоралар билан жипслаштириш зарурлиги. Шу бирликка путур етказиши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракатларга йўл қўймаслик, бамаслаҳат ишлаб чиқилган баҳолар ва хулосаларга ҳар бир қардош партиянинг бирдам бўлиб риоя қилиши. Ревизионизмга ва догматизмга қарши кураш марксизм-ленинизмнинг софлигини ҳимоя қилишнинг ва уни ижодий ривожлантиришнинг, коммунистик ҳаракатнинг янада муваффақиятлар қозонишининг энг зарур шарти, деб билиб, бу курашни давом эттириш. Қардош партияларнинг ўзаро муносабатларини пролетар интернационализми, ўзаро ёрдам ва бир-бирини қувватлаш принциплари асосида ривожлантириш. Империализмга ва реакцияга қарши идеология ва сиёсий курашни кучайтиришни биргаликда таъминлайдиган чораларни ишлаб чиқиш.

Сизнинг мактубингизда ўртага қўйилган, ҳаммани қизиқтириб тўрган ва Москва Кенгашларининг қарорларини амалга ошириш учун кураш вазифаларидан келиб чиқадиган ҳамма масалалар музокараларда муҳокама қилиниши мумкин. СССР билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги жипсликни мустаҳкамлашга алоқадор бўлган масалаларнинг муҳокама қилиниши катта аҳамиятга эга бўлур эди.

Сиз ўз мактубингизда Албания ва Югославия масалаларини тилга олгансиз. Илгари сизларга ёзганимиздек, биз бу масалалар гарчи принципиал масалалар бўлса-да, учрашувимизда муҳокама қилишга талаб этувчи ҳозирги замонимизнинг асосий проблемаларидан эътиборни четга тортиб қўймаслиги мумкин ва керак, деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг партиямиз Албания раҳбарларининг нифоқчиликдан иборат ҳатти-ҳаракатларини қоралаб, айни маҳалда Албания Меҳнат партиясининг КПСС ва бошқа қардош партиялар билан муносабатларини нормаллаштириш учун неча марталаб зарур чораларни кўрди. Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари сўнгги вақтларда неча марталаб бизнинг партиямизга ва совет халқига бўхтончилик билан ҳужум қилдилар ва ҳужум қилишни давом эттирмоқдалар, шунга қарамай, биз олий манфаатларга амал қиляб, КПСС билан Албания Меҳнат партияси ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб кетиши мумкин, деган фикрдан қайтмаймиз. Шу йил февраль ойининг охирида КПСС Марказий Комитети яна бир марта ташаббускорлик кўрсатиб, иккала партиямиз вакилларининг икки томонлама учрашувини ўтказиш тўғрисидаги таклиф билан Албания Меҳнат партиясининг Марказий Комитетига мурожаат қилди. Аммо бизнинг ўртоқларча кўрган ана шу чорамиз ҳам Албания раҳбарлари томонидан лозим бўлганича маъқуллаб кутиб олинмади. Албания Меҳнат партиясининг раҳбарлари икки томонлама учрашув ўтказиш тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг таклифи ёзилган мактубимизни ҳатто қабул қилиб олишни ҳам кўрмадилар. Кейинчалик эсларини йиғиб олдилар шекилли, Албания раҳбарлари мактуб юбориб, бир қанча писандалар ва шартларни ўртага қўйган ҳолда ана шундай учрашув тўғрисида гапирадилар. Башарти, уларнинг истаги рост бўлса, биз учрашишга тайёрмиз.

Югославияга келганда шуни айтиш керакки, биз ана шу мамлакатда мавжуд бўлган объектив иқтисодий ва сиёсий шароитларни анализ қилиш ва ана шу шароитларга баҳо беришга асосланиб, уни социалистик мамлакат деб ҳисоблаймиз ҳамда у билан ўз муносабатларимизда Югославия Федератив Халқ Республикасини социалистик ҳамдўстлик билан яқинлаштиришга интилмоқдамизки, бу нарса қардош партияларнинг жаҳондаги ҳамма антиимпериалистик кучларни бирлаштиришга қаратилган йўлига мос келади. Биз сўнгги вақтларда Югославиянинг иқтисодий ва социал-сиёсий ҳаётида намоён бўлаётган маълум ижобий тенденцияларни ҳам ҳисобга олмоқдамиз. Шу билан бирга, КПСС бир қанча идеологик масалаларда Югославия Коммунистлар Союзи билан жиддий келишмовчиликлар борлигини кўриб турибди, буни югославиялик ўртоқларга рўй-рост айтиб, ўзи нотўғри деб билган уларнинг қарашларини танқид қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети ўзининг 1963 йил 9 мартдаги мактубида бизнинг хозир жаҳон коммунистик ҳаракати ҳаётида жуда масъулиятли пайт бошланди, деган фикримизга қўшилганлигини билдиради. Буидан буён бир сафда бора берамизми ёки ишчилар синфи, мамлакатларимизнинг халқлари ва барча меҳнаткашлар учун зарарли бўлган. фақат бир-биримиздан кўнгилимизнинг совуб кетишига, социализм кучларининг заифлашувига, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бирлигини кўпоришга сабаб бўла оладиган курашга ўзимизнинг тортиб кўйилишимизга имкон берамизми — бу нарса бизга, бизнинг партияларимизга, сиёсатимизнинг тўғри бўлишига боғлиқдир.

Катта ва кучли партиялар бўлган КПСС билан Хитой Коммунистик партияси бундай аҳволдан озроқ зарар кўрган ҳолда чиқиб оладилар, албатта, аммо бошқа партиялар учун, хусусан, мураккаб шароитларда иш кўраётган партиялар учун катта ва бунинг устига кераксиз кийинчиликлар туғдиладики, бизнинг мақсадимиз бундай эмаслиги турган гап.

Ҳамма нарса мана шу жиддий ва мураккаб вазиятда қандай иш кўришимизга боғлиқдир. Мунозарани давом эттириш йўлига ўтиб, хиссиёт тақозоси билан иш кўрамиз-да, баҳсни даҳанаки жангга, қардош партияларга қарши далил-исботсиз айбларни қўйиш ва ҳужумлар қилишга айлантириб юборамизми ёки буюк ишимизнинг тақдири учун юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, воқеалар ривожини бошқа йўлга солиб юбориб,— ҳозирги кунда бир-биримизни айириб турган нарсалардан юқорироқ кўтарилиш, ўртоқларга хос бўлмаган мунозарани бас қилиш ҳамда куч-ғайратларимизни совет-хитой жанговар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, барча қардош партиялар дўстлигини мустаҳкамлашга олиб борувчи йўлларни қидиришга қаратиш учун мардлик кўрсата оламизми.

Фикрлар курашисиз ҳеч қандай ҳаракат, шу жумладан коммунистик ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмаслигини биз тушунамиз. Бироқ, халқаро коммунистик ҳаракат манфаатларига путур етказувчи кураш усулларини ҳеч қандай келишмовчиликлар, у ёки бу партиянинг ҳатти-ҳаракати туғдирган ҳеч қандай норозилик оқлай олмайди. Биз халқаро ишчилар синфининг мақсадлари ва вазифаларини қанчалик чуқурроқ ва кенгроқ тушунсак. келишмовчиликларимиз бугун нақадар жиддий бўлиб кўринмасин, уларни ёпғич билан ва астойдил таҳлил қилиб чиқишга, ана шу келишмовчиликлар ижобий ишимизга халақит бермайдиган, халқаро ишчилар синфининг революцион фаолиятини ундан чиқармайдиган бўлишига шунчалик кўп ғайрат сарфламоғимиз керак.

Халқаро коммунистик ҳаракатда марксча-ленинча йўлни изчиллик билан амалга ошириш учун: ревизионизм ва догматизмга қарши, халқаро коммунистик ҳаракат сафларини жипслаштириш учун, коллектив равишда ишлаб чиқилган йўлни ҳурматлаш учун, бу йўлни ҳар қандай тарзда бузиш ва ўзбошимчалик билан талқин этиш ҳолларига қарши келинглар, бирғаликда курашайлик.

Бизнинг партиямиз мунозара курашининг жазавасига берилмайди, балки жаҳон коммунистик ҳаракати олдидаги умумий масъулиятимизни англаб, мунозараларнинг янги даврас

ТОМДИ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ АҲДИ

ТОМДИ, 3 апрель. («Қизил Ўзбекистон»нинг махсус мухбиридан телефон орқали). Томди — Бухоро областининг энг йирик чорвадор райони. 7 миллион гектар майдонни ишғол этиб турган бу район чўпонлари оташ пуркаб турадиган Қизилқум даштларида зўр матонат ва чинакам ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Чўл табиатининг ўзига хос инжикликлари уларни сира чўчитаётгани йўқ. Она-Ватанга мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш, коммунизмнинг мустаҳкам моддий базасини яратиш — чўл лочинларининг асл мақсадидир.

Устълабинскликлар ва янгийўлликлар ташаббусига қўшилган Томди чорвадорлари ишда яхши натижаларга эришмоқдалар. Томдилик илғор чўпонлар ҳар 100 бош совлиқдан 120-200 тадан қўзи олиб, давлатга қоракўл тери топшириш планини муддатидан олдин бажариш, шунингдек бошқа чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш мажбуриятларини ҳам шараф билан адо этиш йўлида ҳормай-толмай ишламоқдалар.

Бироқ томдиликлар ўтган йилларда давлат олдида қарздор бўлиб қолдилар. Етти йилликнинг тўртинчи йили вазифаларини тўла уддалай олмадилар. Шу давр мобайнида давлатга 46 минг дона қоракўл тери, кўп миқдорда жун кам сотилди. қўзилар сони эса етти йилликнинг тўртинчи йилига мўлжалланганидан 96 минг бош кам бўлди.

Томди чорвадорлари ўз зиммаларидаги ана шу қарзни етти йилликнинг бешинчи йилида узишлари керак. Бунинг учун хўжаликларда наслчиликни яхшилашга алоҳида эътибор бериш, қўйлар сонини кўпайтириш учун тинмай кураш олиб бориш талаб этилади.

Бухоро область, Томди ишлаб чиқариш бошқармасининг социалистик мажбуриятларини бажаришга бағишланган йиғилишида сўзга чиққан нотиқлар — бошқарма партия комитетининг секретари А. Сулаймонов, «Томди» совхозининг директори Қ. Нурмуродов, «Коммунизм» колхозининг раиси Ж. Сеитмамбетов, «Оқтов» колхозининг бош чўпони, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Жабой Балиманов ўртоқлар Томди механизаторларининг социалистик мажбуриятларини қандай бажаратганликлари тўғрисида мисоллар келтирдилар ва чорвадорлар олдида турган катта вазифаларни, амалга оширилиши зарур бўлган конкрет тадбирларни белгилаб олдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўртоқлар нутқ сўзладилар. Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон КП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат Г. Ф. Наймушин, шунингдек Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Н. М. Матчонов, область ижроия комитетининг раиси Н. Б. Бозоров ўртоқлар қатнашдилар.

С. КАРОМАТОВ.

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мамиқ Тўқжигитов «Пахтакор» совхозининг моҳир пахта усталаридан ҳисобланади. У бошлиқ бригадада ўтган йили 161 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан ошириб «оқ олтин» йиғиштириб олинди. Бригада аъзолари бу йил экин майдонларининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилганлар. СУРАТДА: ўртоқ М. ТЎҚЖИГИТОВ.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

УЧТА ОБЛАСТЬ МУСОБАҚАСИ

САМАРҚАНД, 3 апрель. (ЎзТАГ). Самарқанд областининг дала меҳнаткашлари мўл ҳосил олиш учун Тошкент ва Бухоро областларининг пахтакорлари билан мусобақалашишга қарор қилдилар.

Область кенгашида қишлоқ хўжалик илғорлари етти йилликнинг бешинчи йилида пахтачиликни ривожлантириш вазифаларини муҳокама қилдилар ҳамда мамлакатга 348 минг тонна, яъни ўтган йилдагига нисбатан 71 минг тонна ортиқ пахта бериш мажбуриятини олдилар.

Чигитни саккиз-ўн кун ичида экиб бўлиш ва камида бир юз йигирма минг гектар майдонга квадрат-уялаб экадиган агрегатлар ёрдами билан экиш мўлжалланади. Деярли бутун майдонда ғўза қатор оралари икки томонлама ишланади. Машина терими учун ажратиладиган майдон анча кўпайтирилади.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

ЧИГИТ ЭКИЛМОҚДА

НУКУС. («Қизил Ўзбекистон» мухбири). Тўрткўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Партия XXI съезди» колхозининг пахтакорлари Қорақалпоғистонда биринчи бўлиб чигит экишга киришдилар. Колхознинг Киркки участкасидаги ўртоқ Б. Жуманов бошлиқ бригадада 4 гектар, ўртоқ Қ. Қурбонов бошлиқ бригадада 3 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилди.

Бошқармадаги Максим Горький номли колхозда ҳам чигит экиш бошланди.

САТРЛАР

● Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли Крупская номли колхозда 500 ўринли янги клуб биноси қурилди.

Х. ЭШМУРОДОВ.

● Худойқул Завқиев Нурота район идаги «Коммунизм» наслчилик заводида фельдшер бўлиб ишлайди. У ўз касбини севиши билан ҳамманинг ҳурматини қозонган. Х. Завқиев ишдан ташқари пайтларда дашт ва тоғларда эҳтиёжли илонларни овлайди. Фельдшер 70 та эҳтиёжли илонни тутиб, давлатга топширди.

Х. БОБОЕВ.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

Ўқитувчи! Устоз! Улғайиб, мактаб остонасига одим ташлаган одамга билим бериш, буюк инсон даҳоси яратган маънавий бойликларни ўргатиш нақадар шарафли, нақадар улуғ иш! Редакцияга келаётган кўпгина хатларда шу фахрли касб эгаларининг юксак бурчлари, таълим-тарбия соҳасидаги меҳнатлари, ўқувчи, студентларнинг фаолиятлари ҳикоя қилинади.

— Умаржон Аҳмаджонов ўзининг бутун умрини, бор билимини ёш авлодни тарбиялашга бағишлаган ҳурматли устозлардан,— деб ёзади Фарғона область, Ленинград районидаги Вольшевик номли ўн бир йиллик мактабининг илмий бўлим мудири А. Комолов.— У қариб қирқ йилдан буён ўғил-қизларимизга ўзбек тили ва адабиётидан чуқур билим бериб келаётир. Ўқувчилар ҳам, ота-оналар ҳам кенса устоздан мамнун.

Денов районидаги Пушкин номли мактабнинг ўқитувчиси У. Қосимов ҳамкасби, рус тили ўқитувчиси М. Маҳмаева ҳақида ҳам ота-оналар ҳам ўзларини ёзади.

Мактабларда таълим-тарбия ишларини яхшилаш, чуқур билим бериш, ўқувчиларнинг бир синфда икки йил қолишларига бутунлай хотима бериш халқ маорифи ходимлари олдида турган биринчи даражали масалалардандир. Дарс бериш сифатини ошириш, илғор педагогик тажрибаларни кенг қўлланиш ўқитувчиларнинг муҳим вазифасидир. Кўп хатлар шу темада ёзилган. Самарқанд шаҳридаги 10-мактабнинг ўқитувчиси И. Раупов бундай дейди, «Бошланғич синфлар мактаб таълимининг пойдеворидир. Афсуски, кўпгина мактабларнинг бошланғич синфларида ўқув-тарбия ишлари жуда паст савияда олиб борилади. Кўпгина бошланғич синф ўқитувчилари педагогиканинг бошланғич синфларга хос хусусиятларини яхши билмайдилар. Район халқ маориф бўлимлари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари бошлағич синф ўқитувчиларининг малакасини оширишга етарли эътибор берхайдилар». Автор мактаб таълимининг бошқа соҳаларига оид ўз мулоҳазаларини ҳам билдиради. Ҳақиқатан ҳам халқ маорифи органлари бошлангич таълимни шу куннинг юксак талаблари даражасига кўтариш учун эътиборни кучайтиришлари керак.

Самарқанд Давлат университети математик анализ кафедрасининг ассистенти М. Турсунқулов мактабларда физика ва математика фанларини ўқитишни яхшилаш тўғрисида фикр юритади. Унингча «олий ўқув юртларидаги физика-математика факультетларининг ўқув планц кўриб чиқилиб, олий математика бўйича мавжуд план сақланган ҳолда айрим фанлар ҳисобига элементар математикани чуқурроқ ўргатиш учун кўпроқ вақт ажратилиши керак. Республика ва область ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ўрта мактабларнинг физика ва математика ўқитувчилари учун тез-тез семинарлар ўтказиб туриш маъқул». Андижон область Чуст районидаги 17-мактабнинг ўқитувчиси Ж. Камолов область мактабларида ёш математиклар олимпиадаси ўтказилганлигини ва бу тадбир ўқувчиларнинг физика-математика фанларини ўрганишга ҳилилишини кучайтирганлигини ҳабар қилади.

Хатларда таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш, ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш масалалари кенг ўрин олган. Амударё районидаги Оржоникидзе номли мактабдан А. Ойимбетов мактаб ўқувчиларининг кўплаб мевали дарахт ўтказишаётгани, Хоразм областидан А. Эшматов Шовот район идаги Низомий номли мактабнинг юқори синф ўқувчилари «Победа» колхозидан 20 гектар ер олиб, ҳар гектар ердан 50 центнердан «оқ олтин» олиш учун курашаётганликлари, Бухоро шаҳридан С. Қурбонов 21-қурилиш мактабн ўқувчиларининг яхши ишлари, Н. Абдуллаев Янгийўл районидаги «Ўзбекистон 30 йиллиги» мактабининг ёш пахтакорлари ҳақида ёзадилар. Аммо ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш соҳасида ҳали камчиликлар кўп. Хоразм областидан Х. Рўзимовнинг ёзишича, область мактабларида 11-синфни битирган ўқувчилар токарлик, слесарлик, тикувчилик, дурадгорлик каби касбларни эгалламайдилар. Урганч ва Хева шаҳарларидаги махсус ҳунар мактабларида ҳам ана шундай мутахассисликлар ўргатилади. Тегишли планлаштирувчи ташкилотлар бундай ортиқча параллелизмга хотима беришлари лозим.

Андижон область, Марҳамат районидан А. Қорабоев, Чустдан А. Зоиров, Фарғона область, Олтиариқ районидан М. Ҳайитов, Денов шаҳридан Т. Нуркобилов, Шўрчидан Т. Мирзаев, Янгийўл шаҳридан К. Усмонов, Хева шаҳридан А. Раҳмонов, тошкентлик С. Собиров, М. Садриддинов, С. Очилов, Р. Чориев, Жиззах шаҳридан Т. Иброҳимов, Ғузор районидан Ф. Абдуллаев, Иштихон районидан С. Ҳўжаев, Самарқанд шаҳридан Ш. Тошқувватов, Бухородан М. Худойбердиев, М. Возоров, Н. Бобомуродов, Тошкентдан В. Мусаев, А. Эшматов, А. Холматов, М. Орифова, Сурхондарёдан А. Сафаров, М. Тўрақулов, Андижондан А. Ўрмонов, С. Исматов, Ж. Абдуллаев, Қувадан И. Нишонбоев, Урганчдан, Кегайлидан К. Ережепов ўртоқлар ҳам мактаб-маориф темаларида хабарлар ёзиб юборишган. Бу соҳадаги камчиликлар ҳақида жиддий танқидий мулоҳазалар ҳам айтилади. Масалан, Наманганлик мухбир Б. Қаюмов ўз мақоласида Наманган район мактабларидаги таълим-тарбия ишларини батафсил анализ қилган. У райондаги 15-мактабга «Победа» колхозининг яхши оталиқ қилаётганлигини айтади. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти мактабдаги аҳволдан доимо хабардор бўлиб туради. Колхоз мактаб учун 19 синфхона ва устахоналар қуриб берди. Райондаги «Гулбог» совхози ҳам 53-мактабни ўз оталигига олган. Аммо совхоз раҳбарларининг мактаб билан сира иши йўқ. Кўпгина колхоз раҳбарлари эса мактаблар фаолиятини яхшилаш иши билан қизиқмайдилар. Район идоралари ўқишдан қолдириш ҳоллари учраётганликига тоқат қилиб бўлмайди. 36-мактабнинг ўқувчиси Х. Раҳмонова Ильич номли колхоз аъзоси Т. Отақўзиевга қонунсиз равишда эрга берилган. Мактаб директори Т. Мўминов бу ҳақда район ташкилотларига бир неча марта мурожаат қилган. Аммо бирон ижобий натижа чиқмаган. Сайрам қишлоқ Советида 44-мактабнинг юқори синф ўқувчиси М. Жўраева отаси коммунист Ж. Холматовнинг розилиги билан эрга бериб юборилди. Бундай аҳволларга район ташкилотлари кескин чек қўйишлари лозим.

Поп районидаги 25-мактабда таълим-тарбия ишлари ёмон аҳволда. Бунга мактабда синф хоналари ва ўқув базасининг етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Бу ҳақда А. Раҳматов хабар қилади. Наманғандан А. Аббосов ва Х. Мирзакаримов ўртоқлар шаҳардаги 20-мактабда ишлаб чиқариш таълими ёмон йўлга қўйилганлиги, мактабни оталиққа олган мотор-ремонт заводи, 6-тикувчилик фабрикаси ва 5-СМУ раҳбарлари бу ишга етарли эътибор бермаётганликларини танқид қилишади.

Газетхонларнинг бу фикрларига тегишли ташкилотлар ўз жавобларини беришлари керак.



Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхози пахтакорлари далаларни экишга сифатли тайёрламоқдалар. СУРАТДА: пахта майдонлари чизелланмоқда.

Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ОТАШИН СЎЗ БИЛАН

Партиямиз КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорини бажара бориб, халқ хўжалигига раҳбарликни қайта қуриш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқда. Булар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишни, коммунистик мўл-кўлчиликни бунёдга келтиришни тезлаштиради.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг Куйбишев район бўлими ўз фаолиятини партиямиз амалга ошираётган революцион тадбирларнинг моҳиятини ҳар бир меҳнаткаш онгига чуқур сингдиришга қаратмоқда. Шу кунга қадар КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларига бағишланган 500 дан ортиқ лекция ўқилди. Бўлим аъзолари лекцияларни мазмундор ва қизиқарли ўтказиш, унга кенг оммани жалб этишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Партиямиз пропаганда ишини ҳаёт билан, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга доир конкрет масалалар билан боғлаб олиб боришни талаб қилмоқда. Биз бу талабни амалга ошириш учун оммавий пропаганданинг турли формаларидан — суҳбатлар, савол-жавоб кечаларидан, лекторийлар, техника прогресси университети, коммунистик меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш новаторларининг мактаблари формаларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Райондаги клуб ва кинотеатрларда, «Ташсельмаш», «Ташкенткабель» заводлари клубларида, 1-сон ғишт заводлари бошқармаси ва бошқа жойларда КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини пропаганда қилиш юзасидан лекторийлар ташкил этилган. Уларда республикамизнинг кўзга кўринган олимлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари қизиқарли лекциялар ўтказмоқдалар.

Шунингдек, ноябрь Пленуми материалларига бағишлаб ўтказилган савол-жавоб кечаларида КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми партия XXII съезди қарорларини бажаришда янги муҳим босқич эканлиги алоҳида таъкидлаб тушунтирилмоқда. Олимларнинг завод, фабрика ва маҳалларга бориб ўтказаётган суҳбатлари ҳам жуда яхши самаралар бермоқда.

Жамиятимиз аъзолари техника прогрессини пропаганда қилишга, меҳнаткашларни ўз корхонасида мавжуд резервларни ишга солиб, меҳнат унумдорлигини ошириш учун сафарбар қилишга алоҳида эътибор бермоқда. «Ташкентка-бель», «Ташсельмаш» заводларида «ҳар соат, ҳар минут — коммунизм қурилишига» шиори остида меҳнат вахтаси кулоч ёйди. Бунда мазкур корхоналарда ташкил этилган техника прогресси университетларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Куйбишев район партия комитети коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ўқишига, сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият фаолиятига чуқур қизиқиб, лекцияларнинг қизиқарли ва мазмундор бўлиши учун яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Район партия комитети КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми материалларини пропаганда қилувчи лекторийлар тузишда алоҳида ташаббус кўрсатди.

Кўпгина корхона раҳбарлари ҳозир ўзлари бевосита лекция ўқимоқдалар. Масалан, Тошкентдаги лак-бўёқ заводининг директори Кутиров, бош инженер Бодня ўртоқлар корхонада қизиқарли лекциялар ўқимоқдалар. Бу эса пропаганданинг ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқада бўлишига, лекцияларни жонли ва қизиқарли ўтказишга ёрдам бермоқда.

Бутун коллективимиз — пропагандист ва агитаторларимиз қалб ҳароратн билан, оташин сўзи билан бундан буён ҳам оммани сиёсий ва меҳнат активлигини жўш урдириш, меҳнаткашларни Коммунистик партия белгилаб берган режаларни тезроқ амалга оширишга сафарбар этишдек олижаноб ишга муносиб ҳисса қўшадилар.

С. АҲМЕДОВ,
Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият Тошкент шаҳар Куйбишев район бўлими правлениесининг раиси.

КИМ ҚАНЧА КЎЧАТ ЎТҚАЗДИ?

Бу йилги кўчамда республикамиз областлари ҳамда министрлик ва бошқармалари кўчат ўтқазишга бирмунча тайёргарлик билан киришдилар. Бухоро область колхоз ва совхозларида плайдаги 9 миллион 868 минг туп ўрнига, 9 миллион 700 минг тупдан кўпроқ кўчат ўтқазиб, планни 100,54 процент адо этди. Фарғона области кўчат экиш юзасидан белгиланган топшириқни 97,8 процент, Тошкент шаҳри 86,2 процент, Андижон области 85,33 процент бажарди. Баъзи областларда мавсумда кўчат ўтқазиш иши қониқарсиз олиб борилди. Шунинг учун ҳам бу областлар кўчат ўтқазиш планини бажаришда анча орқада қолди. Масалан, Қорақалпоғистон АССРда план 39,9 процент, Тошкент областида 55,5 процент, Хоразм областида 62,1 процент, Сурхондарё областида 62,5 процент, Самарқанд областида 79,56 процент адо этилди.

Шунингдек министрлик ва бошқармаларда кўчат ўтқазиш планлари қуйидагича бажарилди: «Главголодностепстрой» бошқармаси 1 миллион 310 минг туп кўчат ўтқазиб, планни 135,1 процент, Коммунал хўжалиги министрлиги 2 миллион 955 минг тул кўчат ўтқазиб планни 107,5 процент, Тошкент темир йўл бошқармаси 1 миллион 173 минг туп кўчат ўтқазиб планни 106,6 процент қилиб бажарди. Халқ хўжалиги кенгаши планни 94,4 процент, Ўрмон хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш бош бошқармаси 91,8 процент, Тошкент шаҳар совети 89,7 процент, Сув хўжалиги министрлиги 83 процент, Маориф министрлиги 77,3 процент, Соғлиқни сақлаш министрлиги 61,3 процент, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги 60,9 процент, Автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги 55,4 процент. Қишлоқ хўжалиги министрлиги 52,5 процент адо этди. Кўчат экиш ойлиги Қишлоқ хўжалиги, Автомобиль транспорти ва тош йўллар, Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш министрликларида айниқса қониқарсиз ўтқазилди.

Қизил Ўзбекистонда босилганларнинг давоми

«ФИРИБГАРЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОМИЙЛАРИ»

Шу сарлавҳа остида босилган мақолада Хоразм область матлубот жамияти савдо тармоқларидаги камчиликлар танқид қилинган эди. Кейинроқ шу мақола юзасидан область матлубот жамияти томонидан кўрилган чоралар ҳам газетамизда эълон қилинди.

Бу масала Хоразм область партия комитети бюросида, шунингдек «Ўзбекбирлашув» правлениеси мажлисида ҳам кўрилган.

Бу ҳақда Хоразм область партия комитетининг маъмурий, савдо-молия органлари бўлими мудири ўртоқ В. Токаревдан қуйидаги жавоб хат олинди: Область матлубот жамияти правлениесининг кадрлар билан ишлаш масаласи область партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бюро область матлубот жамияти правлениеси раиси Ёқубов, ранс ўринбосарлари Цхай ва Қаландарова ўртоқларнинг район матлубот жамияти правлениеси рансларига нисбатан талабчан бўлмаганликларини, талон-торож ва ўғирликларнинг олдини олиш учун қатъий чоралар кўрмаганликларини, ревизия аппаратининг бўш ишлаётганини қайд қилиб ўтди. Бюро Ёқубов ва Қаландарова ўртоқларга матлубот жамияти системасидаги ревизия аппаратларини қайта кўриб чиқиш, тўсатдан ревизиялар ўтказиш чораларини кўриш вазифасини юклади, кадрлар билан ишлашда катта камчиликларга, ўғирликка йўл қўйгани учун область партия комитети бюроси қарори билан Янгиариқ район матлубот жамияти правлениесининг раиси ўртоқ Маҳмудовга учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилинди. Газетада тилга олинган Урганч шаҳар матлубот жамияти правлениеси раиси Ҳайитбоев, савдо мудири Тўраев ўртоқларнинг масаласи Урганч шаҳар партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Товарларга қўшимча нарх қўйиб сотилишига йўл қўйгани учун Ҳайитбоевга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор, Тўраевга учёт карточкасига ёзиш шарти билан виговор эълон қилинди.

Мақола область матлубот жамияти правлениесининг кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинди, унда кўрсатилган камчиликларни бартараф қилишга қаратилган катта тадбирлар белгиланди.

«Ўзбекбирлашув» томонидан ўтказилган текширишда,— дейилади «Ўзбекбирлашув» правлениеси қарорида,— газетада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Яна шу нарсалар аниқландики, Хоразм область матлубот жамияти ревизорлари Комил Ишчанов, Алҳам Абдуллаев ва ревизия бўлим бошлиғи Ўткир Абдуллаевлар масъулиятсизлик билан иш кўрганлар. Ревизорлар учун бўлган катта ишончни оқлаш, кооператив мулкини сақлаш ва назорат қилиш, давлат мулкига кўл чўзишга уринган шахсларни аямай фош қилиш ўрнига, улар айрим юлғучларни ҳимоя қилиш ва уларнинг айбларини ёпиш йўлига кириб олганлар. Ревизор Комил Ишчанов Шовот райпосида ўтказилган ревизияда ғалла омбори мудири Маметовнинг сохта ҳужжатларини қабул қилиб, унинг жиноятини яширган. Қайта ўтказилган ревизияда Маметовнинг 31,7 тонна ғалла, 4,7 тонна ун ва бошқа жуда кўп маҳсулотларни талон-торож қилгани аниқланди. Ишчанов ойига 76 сўм маош олади. Унинг қарамоғида 6 жон бор. У 2400 сўмга «Волга» машинаси, 3500 сўмга ҳовли сотиб олган. Хоразм область матлубот жамияти правлениеси Ишчановнинг нопок ишларини муҳокама қилганда, принципиал позицияда турмаган. Унга фақат виговор бериш билан чегараланган.

Ўғриларга ён босгани учун «Ўзбекбирлашув» правление мажлисининг қарори билан Хоразм область матлубот жамияти ревизия бўлими бошлиғи Ўткир Абдуллаев, ревизорлар Алҳам Абдуллаев, Комил Ишчановлар ишдан четлаштирилди ва уларнинг иши тергов органига оширилди.

Янгиариқ савдо тармоқлари бўйича ўтказилган ревизия бекор қилиниб, қайта ревизия ўтказиш топширилди. Жамият мулкига хиёнат қилганларга нисбатан принципиал позицияда турмагани область матлубот жамияти правлениесининг ранси Ёқубовга кўрсатиб ўтилди.

ЯНГИ ҲАЁТ ЖАРЧИСИ

ДЕМЬЯН БЕДНИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

<>

Демьян Беднийнинг ижоди совет адабиёти тарихининг энг ёркин саҳифаларини ташкил этади. Демьян Бедний қурашчан публицист, ўткир масалчи, янги ҳаёт жарчиси, идеология фронтининг жангчиси, социалистик реализм адабиёти асосчиларидан бири эди.

Шоир Ефим Придворов (Демьян Бедний) меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиқди. У 1883 йил 13 апрелда собиқ Херсон губерниясидаги Губовка қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди.

У ёшлигидаёқ чор Россиясидаги ҳуқуқсизлик ва ўзбошимчалик манзараларини кўрди, унда кулакларга, помешчик ва городовойларга нафрат уйғонди.

Ҳамма нарсага қизиқувчи ва зеҳнли деҳқон бола чидам билан кўп ўқиди. Қийинчиликларга қарамай, у қишлоқ мактабини муваффақиятли тамомлади ва Киевдаги ҳарбий фельдшерлик мактабига ўқишга кирди.

1904 йилда эрлар классик гимназияси тўла курси бўйича имтиҳон топшириб, Ефим Придворов Петербург университетининг тарих-филология факультетига киради.

Ишчилар революцион ҳаракати оқимига қўшилади ва ўзининг бутун поэтик талантини пролетариатга бағишлайди.

Шоир 1911 йилдан бошлаб большевикларнинг «Звезда» газетасида қатнаша бошлади. Унинг «Сонет» ва «О Демьянем Бедном, мужике вредном» каби асарлари шу газетада босилиб чиқди. Шундан сўнг ўз асари қаҳрамонининг номини шоир тахаллус қилиб олади.

«Звезда» газетасида ёзувчининг таланти мустаҳкамланди ва тобланди. У ўзини тушкунлик кайфиятидаги ёзувчилар — декадентларнинг ашаддий душмани деб эълон қилганлиги ҳам шоир дунёқарашининг тўғрилигидан, у халқ трибуни бўлиб етишганлигидан далолат беради. «Звезда» редакциясидаги жанговар муҳит, газета ходимлари ғоявий позицияларининг равшанлиги Д. Беднийнинг большевик агитаторлар сафидан муносиб ўрин эгаллашида ва «Правда» газетасининг ташкилотчилари орасида бўлишида муҳим роль ўйнади.

1912 йил 5 майда «Правда»нинг биринчи сонида Демьян Беднийнинг «Ҳаётимиз ғамларга тўла» шеъри босилиб чиқди. Шоир 1914 йилга қадар «Правда» саҳифаларида олтмишдан ортиқ шеърини бостириб чиқарди. Владимир Ильич Ленин ёш шоирга дарҳол эътибор берди.

Уруш натижасида шовинистик қарашлар авж олган даврда Д. Бедний Горький, Серафимович, Маяковский ва правдачи шоирлар билан биргаликда буржуазиянинг адабиётдаги малайлари — «Подшо ва ватанни ҳимоя қилиш» тарафдорларига қарши курашди, империалистик урушнинг босқинчилик характерини фош қилди.

Демьян Бедний 1917 йилни революция солдати ва революция куйчиси сифатида кутиб олди.

Демьян Бедний таланти Улуғ Октябрдан сўнг, ватан учун оғир бўлган гражданлар уруши йилларида юксалди ва камол топди. «Кузатув» қўшиғи ва «Барон фон Врангелнинг манифести» шоирнинг гражданлар уруши даврида ёзган энг ажойиб поэтик асарларининг намунаси бўла олади. «Барон фон Врангелнинг манифести» асарини шоир Перекоп учун бўлган жанглар арафасида фронт қўмондони Михаил Фрунзе штаб-квартирасида ёзган эди.

Д. Беднийнинг актуал темаларда ёзилган поэзияси кенг китобхонлар оммаси — янги ҳаёт қурувчилари томонидан севиб ўқиладиган. Шоир ишчи ва деҳқонни, қизил аскар ва меҳнаткаш интеллигентни улуғлар экан, самимий муҳаббат ва ҳурмат сўзларини топа билди. Ажойиб талант эгаси бўлган Д. Бедний содда ва юракдан чиқариб ёзар эди, рус меҳнаткаш кишисининг характерини куйлар ва севар эди. Унинг ижодида гражданлик пафоси ва халқ сатирасининг традициялари мужассамлашган.

Н. К. Крупскаянинг айтишича В. И. Ленин шоирнинг публицистик лирикасини севар эди.

В. И. Ленин хотирасига бағишланган чуқур ҳис-туйғу ва қайғу билан ёзилган «Снежинки» ва «Ҳеч ким билмаган эди» асарларининг автори ҳам Д. Беднийдир.

Колхоз ерига келган биринчи трактор, Ильич чироғининг ёнгуси, янги домнанинг ишга туширилиши, мамлакатимизда биринчи марта автомобиль ишлаб чиқарилиши, чегарада совчининг жасорат кўрсатгани, шахтёрнинг рекорди, пўлат эритиш, янги мактаб— Совет мамлакатимиз нима билан қудратли ва бой бўлса, уларнинг ҳаммаси шоирни илҳомлантирар эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Д. Бедний халқимизнинг қаҳрамонлигини куйлади, жанговар, эҳтирос билан ёзилган шеърлари ва масалларида фашист босқинчиларини лаънатлади. Унинг поэзиясида Совет Иттифоқининг енгилмас қудратига тўла ишонч ифодаланди.

Д. Бедний совет шоирлари орасида биринчилар қаторида юксак мукофот — Жанговар Қизил Байроқ ва Ленин орденлари билан мукофотланди.

Никита Сергеевич Хрушчев 1961 йил декабрда Целиноградда Қозоғистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг кенгашида сўзлаган нутқида Демьян Беднийнинг жанговар поэзияси бугун ҳам актуал жаранглаётганлигини таъкидлади.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев шу йил 8 мартда партия ва ҳукумат раҳбарларининг адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувида Демьян Беднийни хотирлаб ўтди: «...Шоир революция жангчиларининг жанговар сафида эди ва ўзининг буюк талантини меҳнаткашларни эксплуататорлар зулмидан озод қилишдек буюк ишга бағишлади».

Демьян Бедний бугун ҳам биз билан бир сафда бормоқда, унинг ижоди — поэтик жасорати ҳозирги шоирларга намуна бўлиб хизмат қилмоқда.

Сергей ВАСИЛЬЕВ.
шоир.

(АПН).

МЕҲРИБОНЛАР

«Поезддан тушганимизда ҳали тонг отмаган: соат олти ярим эди. Нима қилишимизни билмай, перронда туриб қолдик. Шу пайт оқ халат кийган жувон келиб, ўғилчам Вовани кўтариб олди-да, бизни вокзал биносига бошлади. Кенг залга кираётиб, аёл билан танишиб олдик. Ольга Александровна Мезандидис шу ерда тарбиячи бўлиб ишларкан. Унинг дугонаси Екатерина Алексеевна Дунилина пианинюда чалиб берди. Ўғилчам шу ердаги болалар билан ўйнаб кетди. Ўзим уйда ўтиргандек, яхши ҳордиқ чиқардим. Бизга, оддий кишиларга шунчалик яхши хизмат қилаётган тарбиячиларга минг-минг раҳмат!»...

Муҳташам Тошкент вокзалининг она ва болалар хонасидаги таклифлар дафтарида шундай қалб сўзларини кўплаб ўқиш мумкин. Йўловчи оналардан Кузьмина, Ўразаева, Боровиковалар ҳам вокзал мураббияларига чин юракдан ташаккур билдиришади.

Дарҳақиқат бу ерда оналар ва кичкинтойлар учун барча шароитлар мавжуд. Ҳомиладор оналар учун алоҳида, эмизикли она-болалар учун алоҳида, катта ёшдаги болалар учун алоҳида хоналар ажратилган. Медпункт, ванна, душ ва бошқалар йўловчилар хизматида. Кичкинтойларнинг кийимини ювиб дазмоллаш зарур бўлиб қолса, зал хизматчилари шу ондаёқ ҳаммасини муҳайё қилишади.

Айтайлик, поездда келаётганингизда гўдагингизнинг ширгуруч егиси ёки сут ичкиси келиб қолди, дарҳол Тошкент вокзалининг оналар ва болалар хонасига телефон қилсангиз, поездда тушишингизга озиқат тайёрлаб қўйилади. Бу ишларнинг барчасини она ва болалар хонасининг Зинаида Семёновна Тадосненко бошчилигидаги ҳушмуомала коллективи бажаради. Тарбиячи Ольга Александровна Мезандидис, Екатерина Алексеевна Дунилина, бош медицина ҳамшираси Клавдия Петровна Ульяновалар она ва болаларнинг ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликни яратиб беришга интиладилар. Юмшоқ тўшак устида ётиб дам олсангиз, ўзингизнинг йўловчи экэнингизни ҳам унутиб қўясиз. Хонадан чиқиб кетаркансиз, бу меҳрибон кишиларга албатта ташаккур айтасиз.

Р. МУҲСИМОВА.

АТЕИСТ ЛЕКТОРЛАР СЕМИНАРИ

Фарғона саноат ва қишлоқ область партия комитетлари атеист лекторларнинг семинарини ўтказди. Семинарга областнинг шаҳар ва районларидан 120 киши қатнашди. 10 кун давом этган семинар машғулотларида «КПССнинг дин ва диний ташкилотларга муносабат масаласи», «Осмон жисмларининг келиб чиқиши ва ҳаракати», «Дин ва унинг реакцион моҳияти», «Ёшларни атеистик руҳда тарбиялашда мактаб ва оиланинг роли» деган темаларда лекциялар тингланди ва 10 дан ортиқ илмий-оммабоп кинофильмлар кўрсатилди.

Ф. ҲАСАНОВ.

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ

Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти — Будапешт кун сайин гўзаллашмоқда. СУРАТДА: пойтахт кўчаларида.

ТАСС фотохроникаси.

БОТВИННИК — ПЕТРОСЯН МАТЧИ

ҲИСОБ ТЕНГЛАШДИ

Ҳар иккала томоннинг доналари бараварлашиб қолганлигига қарамай, бешинчи ўйин М. Ботвинник учун қийин ҳолатда кечиктирилган эди. Петросяннинг доналари яхши позицияларни эгаллаб олган эди. Оқларнинг шоҳи рақибнинг томонига ўтиб олиб, жангда актив қатнашди. Оқ отнинг қораларнинг пассив филига нисбатан устунлиги ҳам сезилиб қолди.

Бугун Марказий шахмат клубида ўйин давом эттирилди. Петросян ўзиб қўйган 41-юриш кечиктирилган позициядаги ўйиннн давом эттирган энг кучли юриш бўлди. Оқ доналар ўйинда актив қатнашаётганлиги қораларнинг ҳаракат қилишига энди бутунлай йўл бермай қўйди. Курашни давом эттириш фойдасиз бўлиб қолганлиги сабабли, жаҳон чемпиони 48-юришда соатни тўхтатди.

Матчдаги ҳисоб тенглашиб, 2,5:2,5 бўлди.

Л. ПОЛУГАЕВСКИЙ,
халқаро гроссмейстер, ТАСС нинг шахмат обзорчиси.

СЎЗЛАРИ БОШҚА-Ю, ИШЛАРИ БОШҚА

— Ким ғолиб, планни бажарган ғолиб. План дўндирилгандан кейин тилинг ҳам бурро, гапинг ҳам қовуша беради. Тошкент граммпластинка заводининг директори Александр Ильич Коваленко ва бош инженери Игорь Борисович Степанов шундай деб, ўзларини юпатиб юришибди. Қани, улар раҳбарлик қилаётган заводдаги ҳақиқий аҳвол билан танишайлик-чи.

Корхонада ўтган йили пландагидан 663 минг дона граммпластинка кам ишлаб чиқарилган бўлса ҳам, узоқ чалинадиган граммпластинка пландагидан кўпроқ ишлаб чиқарилиб, шу ҳисобга план бажарилган.

— Бу кўзбўямачилик эмасми, сўрадик бош инженер ўртоқ А. И. Ковалепкодан.

— Москва граммпластинкалар заводи пландаги пластинка босиш колипларини вақтида етказиб бермади.

Бундай қараганда, Александр Ильичнинг баҳонаси ўринликка ўхшайди. 1300 дона оддий граммпластинка колипи Москвадан вақтида етказиб берилмаган. Аммо бу колиплар нақадар қимматга тушаётганлигига бир назар ташланг:

Москвадан келтирилаётган қолипларнинг ҳар бири йўл ҳаражатларини ҳисобга олмаганда 92 сўмга тўғри келмоқда. Ваҳолонки, шундай колиплар ишлаб чиқарадиган гальванопластик цех қуриш учун 340 минг сўм атрофида маблағ кетади, холос. Бунинг устига, заводга келтирилаётган қолипларнинг ҳар бири 400-450 донадан граммпластинка босилгандан сўнг ишдан чиқади.

Корхонада ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари и н и жорий қилиш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Бу муҳим иш билан техникага мутлақо алоқаси бўлмаган Людмила Шебова шуғулланади. Заводда технологияни яхшилашга қаратилган 100 дан ортиқ рационализаторлик таклифидан 30 таси ишлаб чиқаришга жорий қилинди дейишади-ю, бу соҳанинг бевосита масъул раҳбари ўртоқ Шебова бу ҳақда ҳеч нарса билмайди.

Ўртоқ Н. Маҳмутов раҳбарлик қилаётган бир қозонлари цехидаги аҳвол ҳар қандай кишини ранжитади. Цех бошлиғининг ношудлигидан иккита буғ қозони ичида суви билан қолиб музлаган ва ишдан чиққан. Бузилган қозон эса 5 минг сўмга ремонт қилинди, 15 минг сўм сарфланиб, янги қурилган қозон ҳам бор-йўғи 24 кун ишлади. Аммо Маҳмутовнинг заводга келтирган зарари ҳақида бирор жойда гапирилмади ва зарарқунандага нисбатан моддий ёки маънавий чора кўрилмади. Ажабо, давлатнинг 20 минг сўм пулини беҳуда совурадилар-у, Коваленко ва Степанов ўртоқлар ўзларини нега бунчалик бепарво тутадилар?

Корхона цехларидаги жиддий нуқсонлар ҳақида оғиз очилгудай бўлса директор Коваленко ва бош инженер Степанов ўртоқлар куйиб-пишиб изоҳ бергани тушадилар. «Бўлмаган гап, — дейишади улар, — биз 1958 йилдан бери жуда катта ишларни (?) амалга оширдик. Ҳозир гальванопластик цехи қуриш, вальцовка — мельничний цехини реконструкция қилишни мўлжаллаганмиз». Тўғри, мўлжаллаганлигингизга ишонса мумкин. Аммо, айрим цехларда механизациялаш унча мураккаб бўлмаган процесслар ҳам завод ташкил этилгандан буён қўлда бажариладиганига нима дейсиз?!

Граммпластинкалар ишлаб чиқаришни 25 миллион донага етказамиз, деб жуда кўп гапирасизлар-у, лекин бунга яраша амалий иш йўқ. Бунча маҳсулот ишлаб чиқариш учун нималар қилиш кераклигини айтолмайсизлар.

Заводда мутахассис кадрлардан қандай фойдаланилаётганлиги ҳақида шуни айтиш кифоя: ўрток Игорь Степанов аслида виночилик мутахассиси-ю, у катта ҳимия билан боғлиқ бўлган корхонанинг бош инженери лавозимини банд қилиб турибди. Граммпластинка ишлаб чиқариш технологисини жуда яхши биладиган собиқ бош инженер ўртоқ В. В. Маркман бўлса, ҳозир директор билан бош инженерга консультантлик қилади. Борди-ю, ўртоқ Маркман заводдан кетиб қолгудай бўлса, ишлаб чиқаришда учраб турадиган чигалликларни ёзиш учун қаерга югуришар экан?

Навбатдаги сўз халқ ҳўжалигидаги ўртоқларга! Заводда механизация, автоматикани жорий қилиш, корхонага иш билармон кадрлар юбориш керак.

А. МИРЗААҲМЕДОВ,
Ю. ҚИРҒИЗОВ.

ЮЛҒИЧ СОТУВЧИ

Рустам Маҳмудов магазинга мудир, аммо қилмиши қаллоблик. Харидорни алдаб, тарозидан уриб қолишми ё ортиқча нарх қўйиб сотишми — ҳаммаси қўлидан келади. Буғдой сотса копнинг огирлигини ҳам буғдой баҳосида пуллайди. Мабодо, «копнинг огирлигини чиқармайсизми?» дегудай бўлсангиз, балога қоласиз. «Машина кирасига ҳақ тўлаганман, уни қаердан қоплайман?» деб дўқ уради.

Бугина эмас. Магазин мудири биринчи нав уннинг бир копи 18 сўм 20 тийин турғани ҳолда Тропимов, Қодиров каби харидорларга 23 сўмдан сотди. Маҳмудов 38 тийинли чойни 40 тийиндан, тузни 3 тийин ўрнига 4 тийиндан сотмоқда.

Яқинда мен магазиндан бир бўлак дорожка олдим, у камлик килгани учун хотиним бориб яна бир бўлак олиб келди. Шу икки бўлакдан Рустам Маҳмудов бир метрини ҳимариб қолибди.

Бундай пайтларда шикоят дафтарини сўрасангиз, жеркиб ташлайди. «Қаерга борсанг боравер, қўлингдан келганини қил, бир-бир ҳеч нарса қилолмайсан» деб, харидорнинг нафсониятига тегади. Наҳотки, бу бебошни тийиб қўйиш шунчалик қийин.

«Ҳалқобод» комбинати ишчилар кооперацияси правлениесининг раиси ўртоқ Аҳмедов эҳтимол харидор ҳақига хиёнатчи Рустам Маҳмудовни тийиб қўйса керак. суянчиқ бўлиб ўтиравермас, ахир.

В. БОЯДЖИЕВ,
пенсионер.

Янгийўл райони.

«ЁШ ОНАЛАР» УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкент шаҳар, Киров районига қарашли 5-болалар клиник касалхонаси қошида «Ёш оналар» университети ишлаб турибди. Машғулотларни врач, доцентлардан Е. А. Блок, А. Л. Бусель, И. Р. Гершинович, Л. М. Громова ва бошқалар олиб боришяпти.

Бу ерда ёш оналар учун ҳамма қулайликлар яратиб берилган. Уларга санитария ва гигиена масалалари, болани тарбиялаш юзасидан маслаҳатлар бериб борилади. Машғулотлар бир йилга мўлжалланган бўлиб, ҳар ойда икки марта ўтказилади. Университетни битирган ёш оналарга бу ҳақда гувоҳнома берилади.

М. ЭРНАЗАРОВА.

ВЕНГРИЯ ГУЛЛАБ-ЯШНАМОҚДА

Пал МАНИК,
Мухтор министр, Венгрия Халқ Республикасининг СССРдаги элчихонасининг маслаҳатчиси

Будапештнинг ҳушманзара жойи — Геллерт тоғида Венгрияни озод этиш учун жангларда ҳалок бўлган совет жангчилари шарафига қўйилган ёдгорлик салобат тўкиб турибди. Халқимиз уни Озодлик ёдгорлиги деб атайди. Бу, венгерларнинг 1945 йил 4 апрелда гитлерчилар қўшинларини мамлакатимиздан қувиб чиқаришни тугаллаган Совет Армиясига меҳр-муҳаббати ва ҳурматининг тимсолидир.

Бундан 18 йил муқаддам совет халқи ва унинг жангчилари Венгрия халқига озодлик ва миллий мустақилликни қўлга киритишда ёрдам берди. Ватанимиз фашист асоратидан озод қилингач, унинг тарихида янги давр бошланди. Венгер халқи демократик революция вазифаларини бажариб, социализм қуриш йўлига ўтди.

Оғир аҳволда қолган венгер халқига Советлар мамлакати ўзининг дўстона ёрдам қўлини узатди. Венгер ва совет солдатлари биргаликда қурган Пешт ва Будани бирлаштирган Дунай дарёсидаги биринчи кўприк чинакам дўстлик тимсолидир. Оғир кунларда венгер-совет халқларининг асрий дўстлиги вужудга келди.

Ички реакция ва ғарб империалистлари халқ ҳокимиятини бўғиб ташлашга интилдилар. 1956 йилда улар Венгрияда контрреволюцион исён уюштирдилар. Бироқ ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳконлар совет халқи ёрдамида ўз социалистик ғалабаларини ҳимоя қилди, контрреволюцион кучларни тормор этди. Венгрия социалистик ишчи партияси собиқ раҳбарлик йўл қўйган қўпол хатоларни тугатиб, мамлакат меҳнаткашларини ғоятурвчилик ишларининг кенг йўлига олиб чиқди.

Венгрия социал ишчи партиясининг ўтган йил ноябрда бўлиб ўтган VIII съезди республикада қўлга киритилган улуғ ғалабаларга яқун ясади ҳамда экономика ва маданият тараққиётининг янги перспективаларини белгилади. Ўртоқ Янош Кадар съездда қилган ҳисобот докладида таъкидлаб кўрсатдики, биз социализмга асос қуришни тугалладик. Айтиш керакки, халқимиз социализмнинг халқаро кучлари билан жипслашиб ва унга қаттиқ таяниб, оламшумул тарихий муваффақиятларни қўлга киритди. Бу ютуқлар шак-шубҳасиз мангу қолади. Венгер халқи социализмни тўла қуриш босқичига қадам қўйди.

Венгрияда кишини киши томонидан эксплуатация қилиш узилкесил тугатилган. Бизнинг жамиятимизда эксплуататор синфлар йўқ. Мамлакатда миллий бирлик янада кучлироқ мустаҳкамланиб боряпти. Бу яқинда Давлат Мажлиси ва маҳаллий Советларга ўтказилган сайловларда ҳам яққол намоён бўлди. Бугунги кунда бутун венгер халқи социализм қурилишида қатнашмоқда.

Босиб ўтилган 18 йил давомида Венгрия тараққий этган индустриал мамлакатга айланди. Ҳозирги пайтда саноат ишлаб чиқариши 1938 йил даражасига қараганда қарийб тўрт мартаба юксалди. Социалистик йўлдан бораётган қишлоқ хўжалигида ҳам тубли ўзгаришлар юз берди. Майда деҳқончилик хўжаликлари ўрнида турли техника билан қуролланган, тараққий этган кооперациялар ташкил этилди.

Мамлакатимизда маданий революция ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Унинг неъматларидан меҳнаткашлар баҳраманд бўлмоқда. Ҳортист Венгрияси нинг тўрт мактабларида 52 минг киши ўқирди. Ҳозир эса 200 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олмоқда. Агар 1938 йилда мамлакат олий ўқув юртларида 11.800 студент ўқиган бўлса, 1959-1960 ўқув йилида уларнинг сони 38 мингга етди. Венгрия аҳоли жон бошига ҳисоблганда китоб сотишда тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди. Венгрия олимлари барча йирик халқаро конференцияларга таклиф қилинаётир.

Халқимизнинг сиёсий онги кундан-кунга юксалиб бормоқда. Мамлакатда социалистик меҳнат бригадалари учун ҳаракатнинг кенг кўлоч ёйганлиги бунинг ёрқин далилларидан биридир. Ҳозирги пайтда бу бригадалар ярим миллионга яқин кишини бирлаштирган. Бригадалар кишиларда меҳнатга социалистик муносабатни тарбиялашга ёрдам беряпти. Бунда коммунизм қураётган совет кишиларининг илҳомбахш намунаси катта таъсир кўрсатмоқда.

Республиканинг улкан муваффақиятларига эндиликда ҳатто душманларимиз ҳам тан бермоқда. «Венгрия масаласи» деб аталган, Америка Қўшма Штатлари Бирлашган Миллатлар Бош Ассамблеяси кун тартибига киритган масала кўпчиликнинг овози туфайли душманларимизни фош этувчи фактга айланиб кетди. Венгрияга келиб кетаётган кўплаб ғарб журналистлари фактлар олдида лол қолиб, Венгрияда халқ ўз тақдиридан хурсанд бўлиб, бахтиёр яшаётганлигини тан олишга мажбур бўлмоқдалар.

Жамиятимизнинг меҳнаткашлари шу нарсани ҳеч қачон унутмайдиларки, улар янги ҳаёт қуришда муваффақиятларни социалистик мамлакатлар дўстона ҳамкорлигида, Совет Иттифоқининг доимий ва кўп томонлама ёрдами туфайли қўлга киритдилар ва қўлга киритмоқдалар. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида 1948 йил февралида имзоланган венгер-совет Шартномасига тайиб, мамлакатларимиз ўзининг иқтисодий, сиёсий, маданий ва илмий алоқаларини йилдан-йилга самарали равишда ривожлантирмоқда. СССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида ўзаро манфаатдорлик асосида товар айирбошлаш ўсмоқда. Биз Совет Иттифоқидан саноат учун хом ашё,асбоб-ускуна ва бошқа маҳсулотлар оламиз. Айни пайтда бизнинг саноатимиз маҳсулотлари СССРда мустаҳкам бозорга эга. КПСС ва унинг Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида совет халқи коммунизм қуришда қўлга киритаётган улкан ютуқлар венгер меҳнаткашларини тўла социалистик жамият барпо этиш учун курашга илҳомлантирмоқда.

Кейинги пайтларда социалистик мамлакатларнинг хўжалик алоқалари ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг фаолияти Венгриядаги каби бошқа барча социалистик давлатларнинг саноатини ҳам тез ривожлантиришга ҳар томонлама таъсир этмоқда.

Ўз келажагини муваффақиятли қуриш учун бошқа халқлар каби венгер халқига ҳам тинчлик керак. Бизнинг партиямиз Ленин кўрсатмаларига таяниб ва халқимизнинг иродасини ифодалаб, тинч-тотув яшаш сиёсатини изчил амалга оширмоқда. Ана шу сиёсатга мувофиқ, Венгрия Халқ Республикаси социалистик бўлмаган мамлакатлар билан ўз муносабатларини ўрнатмоқда. Натижада Венгрия Халқ Республикасининг халқаро майдондаги обрўси ошмоқда. Ташқи сиёсатимизнинг бош йўли—Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар билан дўстлик, социалистик лагерь бирлигини мустаҳкамлаш, Варшава шартномасига содиқ қолишдир. Венгрия социалистик ишчи партияси VIII съездида Янош Кадар таъкидлаганидек, **совет-венгер дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бизнинг мустақиллигимиз ва озодлигимиз гарови, мамлакатимиз экономика ва маданияти тараққиётининг энг муҳим факторидир.**

Интернационализм принципларига содиқ бўлган венгер меҳнаткашлари совет халқининг ёппасига қуролсизланиш, атом қуролларини синашни ва ишлаб чиқаришни тақиқлаш, Германия сулҳ шартномасини тузиш учун олиб бораётган изчил курашини қизғин қувватлаётирлар.

Барча прогрессив инсоният билан бир қаторда Венгрия Халқ Республикасининг ишчилари, деҳқонлари ва интеллигенцияси Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг миллий озодлик курашига ўз ҳайрихоҳлигини билдираётир. Венгер меҳнаткашлари жаҳондаги барча прогрессив кишилар қатори мустамлака зулмидан озод бўлишга интилган халқлар иродасини Ироқ реакционерлари каби қаттиқ террор ва зўрлик билан бостиришга интилган империализм малайларини ғазаб билан лаънатлаётирлар.

Венгрия социалистик ишчи партиясининг ички сиёсатида ташқи сиёсатидек пролетар интернационализми принциплари, марксизм-ленинизм ғолибона идеялари ифодаланган. Ана шу асосда бизнинг ёш социалистик давлатимиз ўсди ва ривожланмоқда. Венгрия халқи марксизм-ленинизм байроғи остида Совет Иттифоқи ва халқ демократияси мамлакатлари билан мустаҳкам ҳамкорликда социализм қуради ҳамда коммунизмнинг нурли чўққилари сари олға боради.

ҚАЧОН ЁРДАМ БЕРАСИЗ

Янгиқўрғон ишлаб чиқариш бошқармаси қурилиш ташкилоти ички имкониятлардан тўғри фойдаланиб, колхозларга йил сайин кўпроқ объектларни қуриб бермоқда. Биргина ўтган 1962 йилда 1 миллион 457 минг 238 сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, йиллик топшириқ 121 процент адо этилди.

Бу йилги режалар янада улуғвор. Жумладан, 24 та чорвачилик биноси, 21 та дала шийпони, бир неча ремонт устахонаси, 10 та болалар боғчаси, колхозчилар учун 32 та уй қурилади. 3.000 квадрат метр майдонга асфальт ётқизилади. Булар, бошқармага қарашли «Ўзбекистон», «Октябрь», Ильич номли ва бошқа колхозларнинг шу йилги буюртмасидир. Объектларда қурилиш ишлари авж олиб кетди. Умархон Бойхонов, Усмон Ғафуров, Эргаш Боймирзаев ўртоқлар бошчилик қилаётган илғор қурилиш бригадаларининг фидокор коллективлари ишни ўзаро мусобақа асосида ташкил этиб, ҳар бир бинони тез, арзон ва қулай қилиб битказишга муваффақ бўлмоқдалар.

Қурилиш ташкилотида ишларни бундан ҳам жадаллаштириш мумкин. Афсуски, бунинг учун бир катор камчиликлар тўсқинлик қилмоқда. Бунга «Ўзсельхозтехника» район бўлими раҳбарларининг масалага бир ёқлама қараётганликлари сабаб бўлмоқда. Ўтган йил «Ўзсельхозтехника» район бўлими қурилиш ташкилотига 5.600 кубометр ёғоч етказиб бериши керак эди. Амалда эса 3.712 кубометр ёғоч олинди. Ёки 4.400 ўринга 3.825 кубометр тахта олинди, холос. Афсуски, бу ҳол ҳозир ҳам такрорланмоқда.

Электр жиҳозлари етишмаётганлиги айниқса ишнинг белига тепмоқда. Эшик-ром жиҳозлари, шунингдек, энг зарур бўёқлар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги натижасида ишлар чала қолиб кетмоқда.

Ҳозирги вақтда қурилиш ташкилоти (раиси ўртоқ Ж. Мамашоев) ҳисобида 800 дан ортиқ ишчи-хизматчи, инженер-техник ходим ва етарли миқдорда қудратли техника воситалари бор. Бу катта куч билан ҳар қанча ишни бажарса бўлади. Бироқ, қурилиш материаллари йўқлигидан бетон қориш машинаси ва «Пионер» крани анчадан буён бекор турибди.

Қурилиш ташкилоти лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳаддан ташқари нечикиб олмоқда. Бу ҳол айрим объектлар қурилишининг кечикиб кетишига сабаб бўлмоқда. Лойиҳа-смета тайёрлаш институтининг Андижон филиалига янги қурилишлар учун 38 та заказ берилган эди. Ўтган уч ой ичида бу заказдан атиги 14 таси тайёрлаб берилди.

Янгиқўрғон қурилиш ташкилоти коллективининг бу йилги вазифалари ғоят катта ва масъулиятли. Бу вазифаларни, юқоридаги камчиликларни тугатмай туриб ва тегишли ташкилотларнинг конкрет ҳамда амалий ёрдамисиз бажариб бўлмайди, албатта.

С. ТУРҒУНОВ,
Н. НАБИЖОНОВ.

Яқинда Карл—Макс—Штадте шаҳридаги (ГДР) 8 май номли станоксозлик заводида 80 машинадан иборат янги поток линия ишга туширилди. СУРАТДА: янги линиянинг бир қисми.

АДН — ТАСС фотоси.

Олам да янгилик гап

ИМПЕРИАЛИСТЛАРНИНГ ЯНГИ ЖИНОЯТИ

ПЕКИН, 2 апрель. (ТАСС). «Патет-Лао овози» радиостанциясининг хабар беришича, яқинда Америка самолётлари Жанубий Вьетнам билан чегарадош бўлган Лаос районларига заҳарли химия моддаларини яна сочган, деб хабар беради Синьхуа агентлиги. Бу жойларнинг заҳарланиши натижасида кўпгина деҳқонлар зарар кўрган. Америка империалистларининг бу жинояти Лаос аҳолисининг ғазабини қўзғатган.



ХИТОЙ ҲУКУМАТИНИНГ ҚАРОРИ

ПЕКИН, 2 апрель. (ТАСС). Хитой ҳукумати 1962 йил октябри ва ноябрида Хитой билан Ҳиндистон ўртасида рўй берган чегара жанжали вақтида асир олинган ҳамма ҳинд ҳарбий хизматчиларини озод этишга ва репатриация қилишга қарор қилди. Асир олинган ҳинд ҳарбий хизматчиларининг умумий сони 3212 кишини ташкил этади. Бу ҳақда Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг шу йил 2 апрелда Ҳиндистоннинг Хитойдаги элчихонасига топширган нотасида айтилади.

Хитой ҳукуматининг сарф қилган куч ва ғайрати, дейилади нотада, чегара ҳақидаги масалани тинч йўл билан ҳал этиш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароит ва вазиятни вужудга келтирди. Хитой ҳукумати бевосита музокараларни тезроқ ўтказиш тўғрисида Хитой ҳукуматининг таклифига Ҳиндистон ҳукумати ижобий жавоб беради, деб умид қилади.

Асир олинган ҳинд ҳарбий хизматчиларининг ҳаммасини озод этиш ва репатриация қилиш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси мудофаа министрлигининг бугун бу ерда эълон қилинган баёнотида таъкидланишича, Хитойнинг Тибет ва Синьцзян районларидаги чегара отрядлари асир олинган ҳинд ҳарбий хизматчиларини озод этиш ва репатриация қилишни 1963 йил 10 апрелдан бошлайдилар.

АРГЕНТИНАДА ҲАРБИЙЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 апрель. (ТАСС). Бугун Аргентинада бир группа ҳарбийлар қўзғолон кўтарди. Информация агентликларининг хабар беришича, қўзғолончилар группасига отставкадаги генерал-лейтенант Пенхамин Менендес ва генерал-майор Федерико Торансо Монтеро бошчилик қилмоқда. Улар эълон қилган ахборотда даъво қилинишича, улар «мамлакатда коммунистларга тарафдор ҳукумат ўрнатилишига йўл қўймасликни» ва собиқ президент Перон тарафдорларининг шу йил июнь ойига тайинланган сайловларда қатнашувига имкон бермасликни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар.

ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ ЎЛДИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 апрель. (ТАСС). Ҳукумат расмий доираларида бугун маълум қилишларича, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири Вьентьяндан, Лаос ташқи ишлар министри Кинким Фолсена 1 апрель куни кечқурун ўлдирилган.

Ана шу доираларда олинган хабарларга қараганда, Кинким Фолсенанинг ёнида кетаётган хотини ҳам иккала оёғидан ўқ еган.

Кинким Фолсена мамлакатнинг сиёсий ҳаётида актив қатнашиб келди, у Миллат мажлисининг депутати, тинчлик ва бетарафликни ҳимоя қилиш комитети раисининг ўринбосари ва раиси эди. Фолсена Лаоснинг тинчлиги ва бетарафлигини ёқлаб келди. Лаос проблемасини тинч бартараф қилишнинг актив тарафдори бўлди, империалистик агрессияга қарши курашди.

Непалда янги ҳукумат

ПАРИЖ, 2 апрель. (ТАСС). Непалда янги ҳукумат тузилди, деб Катмандудан хабар беради Франс Пресс агентлигининг мухбири. Король Махендра бош министр қилиб доктор Тулси Гирини тайинлади.

Король собиқ бош министр доктор К. Сингх бошлиқ давлат кенгашининг 14 аъзосини ҳам тайинлади.

БОЛГАРИЯ РАНГЛИ МЕТАЛЛУРГИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Совет Иттифоқининг ҳардошларча ёрдами билан Болгария рангли металл рудаларининг катта манбалари топилди. Ҳозир Болгарияда бир кунда қазиб чиқарилаётган руда бутун 1939 йилда мамлакатда қазиб чиқарилган рудага тенгдир.

Ватан хом ашёсининг ғоят катта запаслари базасида республикада 70 та катта конлар ва 17 флотация фабрикалари қурилди ва кенгайтирилди. (ТАСС).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

4 АПРЕЛДА

Ўзбек тилида: 18.00—**Сўз-слёт қатнашчиларига** (мактаб ўқувчилари учун), 18.20 — **Телевизион янгиликлар**, 18.35 — А. Мухтор. **Янги шеърлар**, 18.50 — **Пўлат излар бўйлаб**, 19.10 — **Ёшлар ижоди.**

Рус тилида: 19.35—М. Горький ном. ли театр спектакли, танаффус вақтларида — **Телевизион янгиликлар ва адабий эшиттириш.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IV да **Момақалдироқ сўкмоғидан**, 5/IV да **Лайли ва Мажнун.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/IV да **Имон**, 5/IV да **Гамлет.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА —4/IV да **Кимга тўй, кимга аза**, 5/IV да **Тошболта ошиқ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги аттракцион. **Анатолий Сонол** ўз ёрдамчиси — **электрон-механик киши «Робот» билан**, 4, 5/IV да томошалар кеч соат 7 яримда, 6/IV да кундуз соат 4 ва кеч 7 яримда, 7/IV да кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

Каролина Риекская — «ВАТАН» НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Асп билан юриш — «МИР», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ДРУЖБА» (1-залда), «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Кор эртаги (эрталаб соат 10 да), **Маскарад** (кундуз ва кечқурун) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

12 йўловчи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.
Р. 05859. Индекс 64543. Нашр. № 80.